

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
14. 07. 2016. Fil. 09. 01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВ АБДУРАХИМ АБДИМУТАЛИПОВИЧ

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ ПРОВЕРБИАЛ
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК
ВА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилшунослик ва таржимашунослик
(филология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2016

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation**

Насиров Абдурахим Абдимуталипович Француз, узбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистика ва миллий-маданий хусусиятлари.....	5
Насиров Абдурахим Абдимуталипович Семантико-стилистические и национально-культурные особенности провербильных фразеологизмов во французском, узбекском и русском языках.....	33
Nasirov Abdurakhim Abdimutalipovich Semantic-stylistic and national-cultural peculiarities of proverbial phraseological units in french, uzbek and russian languages.	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	92

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
14. 07. 2016. Fil. 09. 01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВ АБДУРАХИМ АБДИМУТАЛИПОВИЧ

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ ПРОВЕРБИАЛ
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК
ВА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилшунослик ва таржимашунослик
(филология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2016

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида 20.02.2014/В 2014.3-4.Fil148
рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси <http://www.tashgiv.uz/> ва ZiyoNET ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)га жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Мирзаев Ибодулла Камолович
филология фанлари доктори, профессор

Бакиров Поён Уралович
филология фанлари доктори, профессор

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Версаль академияси (Франция)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети хузуридаги 14.07.2016.Fil.09.01 рақами Илмий кенгашнинг 2016 йил «_____» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2016 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2016 йил «_____» _____ даги ____ рақами реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.профессор.

Қ.Ш.Омонов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.доцент.

Г.Х.Боқиева

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига фразеологик бирликларга нисбатан тан олинган ягона ва мукаммал қарааш мавжуд эмаслиги ушбу масаланинг доим баҳс-мунозараага сабаб бўлишига ва уларнинг характерли хусусиятларини ўрганишга ундаиди.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва технология ривожи, ёш авлоднинг кўп маданияти дунёда рақобатбардош бўлиши улардан бир неча тилларни мукаммал билишини ҳамда уларни ўзбек тили билан қиёслаб ўрганишни тақозо этади. «Юксак маънавият - енгилмас куч» номли асарда «...этимологик ва қиёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллаш борасида қулай имкониятлар яратиш» каби бир-биридан муҳим вазифалар ҳал этилиши лозимлиги уқтирилган.¹ Ўзбекистонда тилларни қиёсий-чоғиштирма тадқиқ этиш юзасидан олиб борилаётган муваффакиятли изланишлар билан бир қаторда фразеологизмларни қиёсий ўрганиш борасида умумий фразеология назариясининг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги янада жиддий изланишларни тақозо этади.

Фразеологик бирликлар (кейинги ўринларда ФБ) – халқнинг асрлар мобайнида яратган тимсолий ифода ва тасвирий воситалари бўлиб, ана шу воситаларнинг маълум бир қисмини провербиал фразеологизм (кейинги ўринларда ПФ)лар ташкил этади. ПФлар халқ ижодий тафаккурининг ўзига хос маҳсули бўлиб, уларда инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳодисаларга муносабатлари мухтасар ҳамда мукаммал тарзда ўз ифодасини топади, нутққа кўркамлик, жозиба ва образлилик бахш этиб, сўзловчи ва тингловчининг кучи ҳамда вақтини тежашга хизмат қиласи, ўкувчи-талабаларда коммуникатив компетенциянинг шаклланишига кўмаклашади. Жумладан, француз, ўзбек ва рус тилларида ГПФлар мазкур халқлар маданиятининг миллий-маданий хусусиятларини ифодаласи орқали чет тилни ўрганувчиларда социолингвистик компетенцияни шакллантиради. Олимларнинг фикрича, ҳар бир инсон ўз тилидаги 800 га яқин мақол, матал ёки афоризм ҳақида тушунчага эга бўлар экан². Бу жиҳат, айниқса, ёзувчилар ва тилшунослар ижодида (30,7%) намоён бўлиб, кўпроқ қиссадан ҳисса келтириб чиқариш мақсадида ишлатилади. Аристотель Фбларни сўз маъносининг кўчиши сифатида таърифлаб: «Кўчма сўз нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга ёки турдан жинсга ёхуд турдан-турга маъноси кўчирилган сўзлар, нарсалардаги ўхшашлик асосида амалга оширилади», деб ёзади.³ Суқрот ўз даврида «proverbe» терминини «қисқа, лўнда ва эсдан чиқмайдиган сўзлар бирикмаси», дея таърифлаган.⁴ Фблар ва ГПФлардан фойдаланиш сўзлашувчилар учун одатий ҳолдек кўринса-да, аслида бу бирликларнинг лингвистик табиати жуда мураккаблиги сабабли уни юзаки ўрганиб бўлмайди. Шу боисдан, ГПФларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятларини чоғиштирма (контрастив)

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.- Б. 87–88.

²Бердияров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати. -Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 3.

³Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б.149.

⁴Montreynaud F., Pierron A., Suzzoni F.Dictionnaire des proverbes et dictons. Le Robert –Paris,1989.Préface par A Ray. P.6.

тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. ПФлар ўзбек тилшунослигига ҳам атрофлича ўрганилмаган. Уларнинг назарий қирралари она тилимизнинг лексик фонди материалидан келиб чиқиб белгиланмаган, турли тизимли тиллар доирасида, хусусан, француз ва рус тиллари билан қиёсланган ҳолда тадқиқот обьекти бўлмаган. Ана шу актуал ҳолатлар, танланган мавзунинг ижтимоий-илмий заруратини ва тадқиқотимиз мазкур йўналишда дастлабки диссертацион иш эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион иш муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁵

Фразеологияни ўрганишга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Сорбонна универсиети, Robert нашриёт уйи (Франция), Манхейм, Грайсфалд, Трир университетлари (Германия), Верона университети (Италия), Лондон университети (Буюк Британия), Грац университети (Австрия), Чехия Фанлар академияси (Чехия), Индиана университети (АҚШ), Сантяго университети (Чили), Сеара университети (Бразилия), Europhras Европа фразеология ҳамжамияти, Москва, Санкт-Петербург давлат университетлари, Москва давлат лингвистика университети, Тилшунослик институти (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Самарқанд давлат университетлари, Самарқанд давлат чет тиллари институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Фразеология соҳасига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: нутқ жараёнида қўлланилган фразеологизмлардаги мазмун ва шаклнинг ўзаро диалектик бирлиги ва коннотатив маъно англатишини илмий асословчи концепция яратилган (Сорбонна, Франция); фразеологик бирликларнинг моҳияти шаклан турғунлигига эканлиги исботланган (Москва давлат университети, Россия); фразеологик бирликлар функционал ва структурал жиҳатдан таснифланган, этимологияси назарий ва амалий жиҳатдан асосланган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия); германистика ва романистиканинг энг катта ютуғи сифатида инглизча-русча, немисча-русча,

⁵https://fr.wikipedia.org/wiki/Alain_Rey, <https://www.amazon.fr/...Sophie-Chantreau/s/>, www.lerobert.com/...-/dictionnaire-expressions-et-locutions.www.europhras2016.uni-trier.de, http://ifp.uwb.edu.pl/dokumenty/2014/IDP_4.pdf, <http://msk.phil.spbu.ru/nauchnye-temy/gruppa-frazeologii-i-paremiologiiya> <http://phraseoseminar.slovo-spb.ru/confobzor.htm>, ва б.

французча-русча фразеологик луғатлар яратилган (Россия); фразеологизмларнинг матнадаги стилистик хусусиятлари ёритилган (Europhras, Амстердам университети, Нидерландия); «Дунёнинг лисоний манзараси» йўналишида фразеологик бирликлар орқали миллийликнинг акс эттирилиши масаласи ўз ечимини топган (Опола университети, Польша); ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши ва функционал-прагматик хусусиятлари, ўзбек фразеологияси ва фразеографияси тамойиллари илмий асосланган (СамДУ, АнДУ); фразеологик бирликларга антропоцентрик ёндашув илмий жиҳатдан асосланган (ЎзДЖТУ, Ўзбекистон).

Бугунги кунда дунёда фразеологизмлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таржима ва изоҳли фразеологик луғатларнинг замонавий электрон кўринишларини яратиш; фразеологик бирликларни ўргатишда чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари талабларига боғлиқлик жиҳатларини тадқиқ этиш; чет тилни ўрганувчилар учун фразеологик бирликларни ўқитиш методикаларини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш; ўзбек тилининг фразеологик тизимини бошқа қардош ва қардош бўлмаган тиллар фразеологияси билан чофишириб ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фразеология тилнинг алоҳида мустақил бирлиги сифатида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб маҳсус ўрганиб келинмоқда. Бу йўналиш швейцариялик олим Ш.Балли номи билан боғлиқ.⁶ Шунингдек, фразеология бўйича илмий-тадқиқот ишларининг такомилига Европа фразеологларидан Й.Матешеич, F.Stender, А.Левитский, В.Айтсан, В.Хлебда, хусусан, француз тилшуносларидан Sh.Bally, P.Guiraud, M.Maloux, F.Montreynaud, A.Pierron, F.Suzzoni, J.Pinot, E.Pradez, M.Rat, A.Ray, S.Chantreau, C.Duneton⁷, рус олимларидан В.Виноградов, Н.Амосова, Б.Ларин, С.Ожегов, В.Жуков, А.Кунин, А.Молотков, В.Мокиенко, А.Назарян, Н.Чернишева, Н.Шанский,⁸ ўзбек фразеологларидан Ш.Рахматуллаев, М.Умархўжаев, М.Содикова, Л.Ройзензон, Ю.Авалиани, Е.Малиновский, А.Бушай, Э.Бегматов, А.Маматов, Б.Йўлдошев⁹лар муносиб хиссасини қўшган.

⁶Балли Ш. Француз стилистикаси. Сўзлашув тил ва бетакаллуф нутқ. Француз тилидан И.Мирзаев таржимаси. Тошкент, 2009. 79 б.

⁷Bally Ch. L'arbitraire du signe // Le français moderne. – Paris, Edition CILF, 1940. 195 p, Stender.F. Lettisches Lexikon, 1789.–773 p. Claude D. La puce à l'oreille. –Paris, 1990. 509 p, Maloux M. Dictionnaire des proverbes, sentences et maximes.–Paris, Larousse. 1998. 628 p, Martel M. Petit receuil des proverbes français.–Paris,78 p.Montreynaud F.,Pierron A., Suzzoni F. Dictionnaire des proverbes et dictons. – Paris, Le Robert, 1989. Préface par Alain Ray.759p, Rat M.,Dictionnaire des expressions et locutions traditionnelles –Paris, Larosse – Bordas, 1999. 448 p, Rézeau P., Bernet C. Dictionnaire du français parlé. Le monde des expressions familières.–Paris, 1989. Rey A. Chantreau S. Dictionnaire des expressions et locutions. –Paris, Le Robert, 1997, 1085 p.

⁸Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография, – М., 1977. 267 с., Амосова Н.И. Основы английской фразеологии. Л., 1963. –С.227, Авалиани Ю.Ю. К сближению книжно-литературного языка и разговорной речи. – Самарканд. 1971; Ларин Б.А. Очерки по фразеологии. – М., Ученые записки. ЛГУ, серия филол.наук, - 1956. № 198; Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.,1978.–С.160. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М., 1972. - С.288; Мокиенко В.М.Славянская фразеология –М.,1980. –С.207; Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. –М.,1987, 237; Чернишева Н.И. Фразеология современного немецкого языка. –М; 1970. С.200; Шанский Н.М., Фразеология современного русского языка. –М, 1969. –С.231; Малиновский Е.А.Формирование русской фразеологической теории в XX веке. Монография. – Самарканд, 2007.

⁹Содикова. М. Кискача ўзбекча-русча макол-маталлар лугати. –Т.,1993.–Б.259; Бушай А.М. Лексикографические описание фразеологии.–Самарканд, 1982. –С.114. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. –СамДУ, 2013. –Б.116. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши

Ўзбек фразеологиясига доир дастлабки тадқиқотлар Я.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг номзодлик диссертацияларида ёритилган.¹⁰ F.Саломов ўзининг фраземалар таржимасига доир изланишларида «фразеологизм» атамасини кенг талқин қилиб, унинг таркибиға мақол, матал ва идиомаларни ҳам киритган.¹¹ Г.Айназарова қорақалпоқ тилидаги икки компонентли фразеологизмларнинг фонетик-грамматик, функционал-семантик хусусиятларини тадқиқ этган¹², фразеологиянинг фан сифатида шаклланишида паремиологиянинг роли хусусида Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади.¹³

Фольклорнинг мақол, матал, юмуқ иборалар¹⁴ ва бошқа паремиологик жанрларига хос намуналари ўз мазмунида юқорида тилга олинган учта этноснинг кўп асрлик миллий-маиший кўнижмалари, ахлоқий мезонлари ва орзу-истакларини ихчам кўринишда ифода этади. Бугунги кунга қадар жаҳон ҳалқлари тилшунослиги ва фольклоршунослигида мазкур паремиқ жанрларнинг ўзаро фарқлари ҳамда қоришиқ жиҳатлари кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. А.Назарян мақол ва маталларни ФБлар таркибиға киритиб, уларни «пословичные фразеологизмы» деб номлайди.¹⁵ Худди шу атама А.Лисс¹⁶нинг илмий тадқиқотида ҳам кўзга ташланади.

ФБлар ва ПФларнинг замонавий талқини юзасидан Л.Ковшова, С.Кочноваларнинг, фразеологик бирликларнинг қиёсий-типологик тадқиқи юзасидан С.Мирзаханова, С.Кравцов, В.Чернощекова, С.Гнедаш ҳамда ўзбек тадқиқотчиларидан П.Бакиров, Г.Ҳакимова, Ш.Шомуродовалар¹⁷ илмий изланишлар олиб боришиганди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Франциядаги

масалалари. 10.02.02. Миллий тиллар (ўзбек тили). Фил.фан.док. автореферати.–Т.,1999.–Б.56.Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. –Самарканд, 1973. –С. 223.

¹⁰Рахматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. – М.; 1952. –С 16; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Х.Алимджана. АКД. – Т., 1953. –С. 19; Шамаксудов А.Ш. Язык сатиры Мукими (лексика и фразеология).– Т., –С.18; Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын. АКД–СамДУ, 1959. –С. 18.

¹¹Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Т., Ўқитувчи, 1983. – Б. 118.

¹²Айназарова Г.Б. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке. АКД.–Нукус,2000. – С. 6–22.

¹³Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати - Т., Ўқитувчи, 1984. – Б.10.

¹⁴Мирзаев Т. Ўзбек фольклори очерклари. – Т., 1988. –Б.65.

¹⁵Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. –М., 1987. –С. 33–39.

¹⁶Лисс А.И. Сопоставительный анализ пословичных фразеологизмов английского, русского и киргизского языков в научно-лингвистическом и методическом аспекте. –Ош. 1986. –С. 6.

¹⁷Ковшова Л.Н. Семантика и прагматика фразеологизмов (Лингвокультурологический аспект). Автореф. д.ф.н. –М., 2009. –С.39; Кочнова С.О. Лингвокультурологическая интерпретация русских анималистических фразеологизмов без зоонима в практике преподавания русского языка как иностранного. Автореф. к.ф.н. –М., 2005; Мирзаханова С.Д. Фразеологизмы с качественной характеристикой человека в даргинском и английском языках. Диссертация ... к.ф.н. наук. –Махачкала, 2009.; Кравцов С.М. Картина мира в русской и французской фразеологии (на примере концепта «поведение человека»). Автореф. докт.фил.наук. –Ростов-на-Дону, 2008; Гнедаш С.И. Провербимальные трансформанты в функциональном стиле прессы и публицистики. На материале немецкоязычной печати ФРГ. Дис. канд. филол. наук: 10.02.04. –М.,2005. –С. 189, Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологиясининг шаклланиши масалалари. 10.02.02. Миллий тиллар (ўзбек тили). Фил.фан.док.... автореферати. –Т., 2000. –Б. 56; Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков). Автор.. докт. фил.наук. –Т., 2008; Ҳакимова Г.Э. Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари. Фил.фан.ном...автореферати Т.: 2008. 23 б; Шомурадова Ш.Ж. Фразеологическая деривация в английском языке. Автореф. к.ф.н. –Т., 2011.

Версаль Академияси билан ҳамкорликдаги Erasmus + «International Credit Mobility (ICM)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари лойихаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади француз, ўзбек ва рус тилларидаги ПФларнинг семантик-стилистик ҳамда этномаданий хусусиятларини аниқлаш, улардан ўзбек тилшунослигига фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ПФлар ҳақида жаҳон тилшунослигига билдирилган назарий қарашларни умумлаштириш ва ўзбек тили лексикаси материалларига муқобил миллый ПФлар юзасидан концептуал хуносага келиш;

Киёсланаётган тилларда ПФларнинг келиб чиқиш тарихи ва манбаларини ўрганиш;

ўзбек тилидаги ФБлар кўчимлари табиатидан келиб чиқсан ҳолда ПФларнинг дастлабки таснифини амалга ошириш ва ПФларга доир терминлар аппаратини ишлаб чиқиш;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги ПФларнинг қўлланилиш миқёси ва уларнинг нутқ жараёнидаги вазифаларини аниқлаш;

киёсланаётган тилларда фразео-семантик гурӯҳ таркибига кирувчи ПФларнинг мазмунини очиб бериш ва уларни тегишли тартибда фразео-семантик майдонларга ажратиш;

ПФларнинг стилистик хусусиятларини ёритиш, уларнинг окказионал трансформацияланиш усулларини аниқлаш;

ПФлар, идиоматик иборалар, мақолларни чет тилларни ўқитиш мазмунига, яъни ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликларга сингдириш;

француз, ўзбек ва рус адиллари асарлари ҳамда ушбу асарлар таржима матнларининг таркибидаги фразеологик бирликларни лингвостилистик нуқтаи назардан ёритиш;

француз, ўзбек ва рус тилларида ПФларни қиёслаб, уларнинг миллый жиҳатларини аниқлаш;

француз тилидаги фаол ишлатиладиган ПФларнинг ўзбек ва рус тилларидаги муқобилларини топиш, уч тиллик провербиал фразеологик луғат тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз, ўзбек ва рус тилларидаги ПФлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети қиёсланаётган тилларда ПФларнинг семантик-стилистик ва миллый маданий хусусиятлари таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда фразеологик-идентификация, контекстологик, вариацион, фразеологик аппликация, икки томонлама синхрон-киёсий таҳлил ва структур-типологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

француз, ўзбек ва рус тилларидаги фразеологик бирликларнинг, хусусан провербиал фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари уларнинг фразео-семантик майдонларда жойлашиши ва келиб чиқиш тарихи ҳамда манбалари (этимологияси)ни аниқлаш орқали очиб берилган;

учта миллатнинг адабий тили ва жонли сўзлашув нутқидаги фразеологик бирликларнинг ҳамда уларга қиёсан провербиал фразеологик бирликларнинг

окказионал ва контаминацион ўзгаришлари, саккиз хил трансформацияланиш усууларидан фойдаланган ҳолда лингвостилистик хусусиятлари ёритилган;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятлари биринчи марта қиёсланган учта тил мисолида провербиал фразеологизмлар иштирокида очиб берилган, этномаданий қатламнинг аҳамияти аниқланган;

провербиал фразеологизмларнинг хусусиятлари, белгилари, қўлланилиш миқёси ҳамда уларнинг бошқа турдаги фразеологик бирликлар орасида тутган ўрни очиб берилган, француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларга доир терминларнинг қиёсланаётган тиллардаги муқобиллари топилиб, ўзаро мувофиқлаштирилган, биринчи марта провербиал фразеологизм термини ишлатилган;

тадқиқотимизда баён этилган хорижий тилларни, хусусан, француз ва рус тилларини ўрганиш ва ўзлаштиришда лўнда, сиқиқ ва қочиримга бой провербиал фразеологизмлардан фойдаланишга доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фразеологик бирликлар ва провербиал фразеологизмларнинг мазмун-моҳияти филологик талқин этилган;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги мақол ва маталлар билан бирга кўчма маънони ифодоловчи метафорик ибораларни ҳам ПФлар таркибига киритиш мумкинлиги асосланган, натижада ПФларнинг лугавий қамрови кенгайган;

ПФлар семантик, стилистик ва коммуникатив хусусиятларининг матнда намоён бўлиши ва тарихий-маданий константнинг қайта жонланавериши туфайли уларни матн таркибida ўрганиш лозимлиги асосланган;

француз тилидаги айрим ПФларнинг келиб чиқиш тарихи ва манбалари аниқланиб, биринчи марта она тилимизда ёритилган, рус ва ўзбек тилларидаги бир қатор ПФлар этимологияси аниқланган;

провербиал фразеологизмларнинг қиёсий-этимологик таҳлили учала миллат дунёқараши, этнопсихикаси, урф-одатларининг майший мазмунини ёритишга, тил ўрганувчиларда социолингвистик компетенцияни шакллантиришга хизмат қилиши исботланган;

ПФлар, идиоматик иборалар, мақоллардан фойдаланиш чет тилларни ўқитишнинг мазмунига, Давлат таълим стандарти, ўкув дастурлари ва дарсликларга интеграцион тарзда сингдирилган;

француз тилида фаол ишлатилиш нуқтаи назаридан танланган ПФларнинг ўзбек ва рус тилларидаги муқобиллари топилиб, уч тиллик провербиал фразеологик лугат тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва методлар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан, мисолларнинг француз, ўзбек ва рус тилларидаги лугатлардан ҳамда бадиий адабиётлардан олингани, хulosалар самарадорлигининг фразеологик методлар воситасида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Фразеологияга оид турли фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш асосида мавжуд назарий қарашларга қўшимча муносабат билдирилганлиги, француз, ўзбек ва рус тилларидаги ПФлар илк бор чоғиштирилиб ўрганилганлиги, француз тили ФБларининг ўзбек тилидаги илк этимологик талқини амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Диссертация ишининг натижасида олингандар илмий хуносалар фразеология тизимини тадқиқ этишда илмий манба бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги хуносалардан қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, лексикология, фразеология, лингвокультурология йўналишидаги курсларни ўқитишида, шунингдек, француз тилини назарий ва амалий ўргатиш учун дастурлар, дарслик ва ўкув қўлланмалари тайёрлаш, луғатлар тузишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот жараёнида таҳлил қилингандар ПФлар ва уларнинг муқобиллари таржима жараёнига ва француз тилини ўргатишига хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги ПФларнинг семантик, стилистик ва миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган қиёсий типологик таклифлар асосида:

таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш жараёнида турғун бирикмалардан фойдаланишига доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган меъёрий хужжатларни тайёрлашда фойдаланилган ва уларнинг мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 01–02/1–7–150-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар мулоқот жараёнида провербиал фразеологик бирликларни умумий лексик бирликлар билан бир қаторда қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш орқали иборалар, турғун бирикмалар маъносини таҳлил қила олиш, коса тагидаги нимкоса гапларнинг маъносини уқиш, англаш, таржима қилиш ва қўллай олиш стратегия ва босқичларини ёритиб бера олишга хизмат қиласди ҳамда таълим муассасаларида чет тилларни ягона ёндашувга биноан ташкил этиш асосида таълим сифатини оширишига имкон яратади;

француз тили лексик фондидан фаол провербиал фразеологизмларни танлаш, уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги муқобилларини топиш, уларнинг ўзаро ўхшаш ва ноўхаш томонларини қиёслаш ҳамда тадқиқотнинг амалий қисми сифатида уч тилли провербиал фразеологик луғат яратишида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 01–02/1–7–150-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар турли тизимли тилларда провербиал фразеологизмлар иштирок этган матнларни англаш, уларни француз тилидан ўзбек ва рус тилларига ёки аксинча ўзбек тилидан француз ва рус тилларига самарали таржима қилишига ёрдам беради ҳамда уларнинг лингвомаданий моҳиятини очишга хизмат қиласди;

умумий ўрта таълим мактабларининг 1–4-, 5, 9-синф француз тили дарслик мажмуаларини яратишида фойдаланилган (Hirondelle–1, 1-синф // Т.: Ўқитувчи, 2015, 2016; Hirondelle–2, 2-синф // Т.: Ўқитувчи, 2014, 2016; Hirondelle–3, 3-синф // Т.: Ўқитувчи, 2015; Hirondelle–4, 4-синф // Т.: Ўқитувчи, 2016; Bonjour

la France. 5-синф. Т.: Ўқитувчи, 2015; D'un état à l'autre. 9-синф. Т.: Шарқ, 2013). Умумий ўрта таълим мактабларида ушбу дарсликлардан, хусусан улар таркибидаги турғун бирикмалардан ўқиши, тинглаб тушуниш, ёзиши ва уларни нутқ жараёнида қўллаган ҳолда гапиришлари орқали ўқувчиларда француз тилидаги лингвистик компетенцияларни шакллантиришга хизмат қиласди. Ўқувчилар лексик бирликлар билан бирга фразеологик бирликларни ҳам ёзма ва оғзаки нутқда қўллай олиш кўнинмаларига эга бўладилар.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Ҳозирги замон тилшунослигига лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишига доир масалалар» (Тошкент, 2013), Қоғамдик ғылымдар серияси, А.Ясауи атындағы Халықаралық қазақ-турік университеті хабаршысы (Қозогистон, 2013), Научная конференция по лингвистике, «Українська мова і література в школі» (Киев, 2014), VIII Международная научно-практическая конференция (Екатеринбург, 2015), Аксиология иноязычного образования, Using Folk proverbs to develop English speaking skills (Москва, 2015), L'image de la nationalité des phraséologismes proverbiales dans la langue ouzbek. «Intellectual Archive» multidisciplinary journal (Canada, 2016), «М.Балақаев оқулары» (Қозогистон 2016), «Uzluksiz ta’lim tizimida xorijiy tillarni o’qitishning yangi tendensiyalari real amaliyot va rivojlanish strategiyalari» (Тошкент, 2016), The role and importance of proverbial phraseologies in the sphere of national languages phraseologisms. Linguistic and Education (USA, 2016), «Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ» (Тошкент, 2016), «Чет тилларни ўқитишида мультимедиа ва ахборот коммуникация технологияларининг истиқболи» (Тошкент, 2016) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда аprobациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та луғат, Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми иловалардан ташқари 248 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларга асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни «**Провербиал фразеологизмларга доир назарий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида жаҳон ва ўзбек тилшунослярининг фразеологик бирликлар, хусусан, провербиал фразеологизмларга нисбатан билдирган муносабатлари ўрганилган ҳамда, улар янги назарий фикрлар билан бойитилган.

Ҳозирги кунда ФБлар кўплаб тилшунослярнинг тадқиқот обьектига айланәтганлиги бежиз эмас. Буни охирги йилларда лингвомаданиятшунослик масалаларига бўлган эътибор ва қизиқиш ҳам исботлайди. Рус тилшунослигига илк бор ФБларни уч турга ажратган олим В.Виноградов фразеологик бирликларнинг моҳияти уларнинг шаклий турғунлигига, деб ҳисоблади. ФБлар нутқ жараёнининг ҳар бир актида алоҳида сўз шаклида пайдо бўлмайди, балки инсон онгига тайёр ҳолда инъикос этади, мулоқотда қўлланиладиган камида иккита мустақил сўзнинг табиий қотишмага ўхшаб маъно жиҳатидан яхлитланишини юзага келтиради¹⁸.

Жаҳон тилшунослигига ФБларнинг назарий таърифига доир ягона ва мукаммал қараш мавжуд эмас. ФБ ва ПФларнинг асосий белгилари ҳақида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, Б.Лариннинг фикрича, асосий белги – сўз бирикмаларининг маъноси ФБлар маъноларининг таркибида алоҳида ажралиб қўринмаслигидир¹⁹. А.Реформатскийнинг мулоҳазасига кўра уларни сўзма-сўз бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди²⁰. А.Кунин ФБлардаги турғунлик белгисини уларнинг луғовий таркибида ишлатилиши, семантикаси, морфологик, синтактик тузилишида мавжудлиги орқали шарҳлайди²¹. А.Маматовнинг таърифига кўра фразеологик бирликлардаги асосий белгилар тўлиқ ва қисман семантический жиҳатдан қайта инъикос этилиши, таркибини ташкил этган лексик бирликларнинг кўчма маъно намоён қилиши ҳисобланади²².

«Proverbe» атамаси илк бор XII аср охирларида Мари дў Франс²³ масалларида ишлатилган. Ундан кейинги қўллёзмаларда «proverbe au villain», «proverbe des sages», «proverbe communs» номи билан ишлатилган. «Proverbiale» термини лотин тилидаги «proverbialis» асосида яратилган бўлиб,

¹⁸ Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: 1977. – С.118-139.

¹⁹ Ларин Б.А. Очерки по фразеологии. – Уч.зап. ЛГУ. Серия филол.наук. Л.:1956, № 24, –С. 202-224.

²⁰ Реформатский А.А. Введение в языкознание. –М.:1967. 127 с.

²¹ Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. –М.:1972. –С.7-9.

²² Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике –Т.: 1989. 118 с.

²³ Marie de France, poëtesse française (1159-1184) auteur de Fables et Lais.

XIVасрда кичик комедиялар орқали қисқа, лўнда иборалар кўринишида халқ тилига кириб борган²⁴.

«Proverbe» «proverbiale» терминлари XVIII-XIX асрларда П.Китар, Ж.Лоффе, Д.Мозен ва бошқа бир қатор тилшунослар томонидан кенг қўлланилган. Фюретиернинг луғатида (1690) берилишича, «proverbiale» термини кенг маънода ишлатилиб, ўша даврда унинг таркибига қадимий, машҳур ва маъжозий ифода эга бўлган иборалар киритилган²⁵. Провербиал фразеологизмлар хусусида таҳлиллар С.И.Гнедаш ва П.Бакировларнинг диссертацияларида ҳам учрайди²⁶. Рус тилшуноси В.О. Чернощекованинг фикрича, proverbial термини кенг маъноли бўлиб, мақол, матал ва юмуқ ибораларни мувофиқлаштирибина қолмай, балки миллий-маданий хусусиятлар акс этган алоҳида лексемаларни ҳам ўз луғавий доирасига қамраб олади²⁷.

Француз тилидаги «proverbe» атамаси лотин тилидан (*proverbium*) олинган бўлиб²⁸, донишманларнинг ҳаётий тажриба ва ибратомуз хулосаларидан келиб чиқсан ва умумхалқ тилига кириб кетган ихчам фикрларни ифодалайди. Ўзбек тилидаги «мақол» термини арабча «қавлун» (айтмоқ) сўзидан олинган бўлиб, кейинчалик у халқ донолигининг намунаси бўлмиш афористик жанрлардан бирининг атамасига айланган ва бутунги кунда «маъқул айтилган сўз», «гап» ёки «ибора» маъноларини англатади. Рус тилидаги “пословица”, афоризм ва қанотли сўзлардан анонимлик хусусияти билан, яъни муаллифи йўқлиги, жамоавий қонуниятларига мос келиши билан фарқланади.

Дунё халқлари тилларидаги фразеологик фонднинг маълум бир қисмини ПФлар ташкил этади. ПФларнинг асосий белгилари турғунлик, кўчма маънолилик, нутқ жараёнида тайёр ҳолда қўлланилиши, семантик туташлилик, экспрессив-эмоционаллик, ифодалилик бўлиб, улар миллий лексиканинг ўзига хослигини ёрқин акс эттиради. Провербиал фразеологизмлар нутқ жараёнида тайёр ҳолда намоён бўладиган, тўлиқ ёки қисман кўчма маънода ишлатиладиган, структураси гапга teng, семантик яхлит, контекст таркибида мустақил маъно англата оладиган, киноя-қочиримли, насиҳатомуз фикрни ифодаловчи мақол, матал, ҳикматли сўз, афоризм, нақл, ўйт, юмуқ иборалардан таркиб топган турғун бирикмалар ҳисобланади.

ПФлар тафаккурнинг бадиий-мантиқий шакли эканлиги, муайян миллатнинг хос белгиларини сақлаши, миллий фольклорнинг энг кичик жанри, ўзига хос грамматик шаклга эга эканлиги ва умумлаштирувчи, дидактик фикрнинг мавжудлиги каби категориал белгиларга эга.

²⁴Dauzat.A. Dubois.J. Mitterand.H. Nouveau dictionnaire étymologique. – Paris, Larousse. 1999. -P 611, 810 р.

²⁵Montreynaud F.,Pierron A, Suzoni F. Dictionnaire des proverbes et dictoms. – Paris, Le Robert.1989. Préface par A.Ray, P.6-10.

²⁶Гнедаш С.И. Провербиальные трансформанты в функциональном стиле прессы и публицистики. На материале немецкоязычной печати ФРГ. Дис.канд.филол.наук:10.02.04: –М.:2005 189 с.; Бакиров П.У. Номинацентристические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков). Автореф.дисс. докт. филол. наук. – Т., 2007. –54 с.

²⁷Чернощекова В.О. Лингвокультурный аспект пословиц. УДК 811.111'37. Язык и культура. 2009. cyberleninka.ru.C.83.

²⁸Le petit Larousse, – Paris, -1999. -P.832. ўша манба. -P.340.

Провербиял фразеологизмлар

т/р	Француз тилида	Ўзбек тилида	Рус тилида
1	Proverbe <i>Chat échaudé craint l'eau froide.</i> <i>Chose défendue, chose désirée.</i>	Мақол Оғзи куйган қатиқни ҳам пулаб ичади. Аяган қўзга чўп тушар.	Пословица Обжёгись на молоке, будешь дуть и на воду. Запретный плод сладок.
2	Dicton <i>En avril on ne découvre pas d'un fil. Quand le coq chante avant la nuit, signe de pluie.</i>	Матал Ёзда ёпинчигингни ташлама, қишида ўзинг биласан. Кулоги тишлаб қўйилган.	Поговорка Собака на сене. Дай бог нашему теляти волка съесть. И рыбку съесть и хвост не намочить.
3	Apophthème <i>Qui creuse une fosse sous le pied d'un autre, y tombe le premier.</i> <i>Il faut être maître de soi, pour être maître du monde.</i> (Карл V)	Ҳикматли сўзлар Ҳар киши ким бировга қозгай чоҳ, тушгай ул чоҳ узра ўзи ногоҳ. (А.Навоий). Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис. (А.Навоий)	Афоризмы Кто другому роет яму наперед, в нее же первый сам и упадет. Нет слаще покоя, покупаемого трудом. (А.П.Чехов)
4	Adage <i>Noblesse oblige.</i> <i>User, ne pas abuser.</i>	Ривоят, ҳадис Нафсинг ва қалбинг хотиржасам бўлган нарса эзгуликдир. ичингни гаш қилиб, кўнглингга ўрнашмаган нарса гуноҳдир.	Причча Все познается в сравнении. Дело не в том, кто во что одет... а в том, что в жизни, со сменой одежды. (Притчи Саломона)
5	Précepte <i>Aimez-vous les uns les autres.</i>	Ўгит, васият Билимга ва меҳнатга чанқоқлик инсонни шахсга айлантиради. (Фаробий)	Изречение Счастье в воздухе не вьется – трудом дается. (Рудакий).
6	Sentence <i>Plus de corps est faible, plus il commande, plus il est fort, plus il obéit. (Ж.Ж.Руссо).</i>	Нақл Арслон қариса, сичқон инини пойлар (III,279), Сув кўрмагунча, этик ечма. (III,431). (М.Қошгариј).	Мудрые слова, изречения Люди сажают деревья для потомков. (Китайское изречение).
7	Maxime “Les Fables de La Fontaine sont riches en maximes: “La raison du plus fort est toujours la meilleure” est une de ces maximes.	Ҳикматлар “Берди”сини айтгунча уриб ўлдиради. (Б.Машраб).	Максим, пословица научного характера Печь хлеб дают пекарю.
8	Expression, locution <i>Chacun sent son mal.</i> <i>Les murs ont des oreilles.</i>	Ибора, юмуқ ибора Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Мошхўрдага қатиқ бўлма. Кўзини шира боғлабди.	Выражение, крылатые выражения Каждый знает сам что у него болит. Береженного бог бережет.

Барчасининг қўчма маъни англатувчи шакллари
ПРОВЕРБИАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДИР

Фразеологизмларни экспрессив-стилистик қатламига кўра аниқ чегаралаш кийин. Жумладан, В.Гак таҳрири остида чоп этилган «Новый большой французско-русский фразеологический словарь»да ҳамма ФБларга ҳам ҳавола белгиси қўйилмаган²⁹. Бошқа француз тили луғатларидағи ФБлар билан солиширилганда, уларни сўзлашув-маиший ёки оддий сўзлашув нутқа таалкукли бўлган ФБлар таркибига киритиш турлича намоён бўлади. Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик лугати» ва М.Содикованинг фразеологик луғатларидағи ФБларга қўйилган ҳавола белгилари орасида ҳам фарқлар мавжуд.

Диссертацияда ПФларнинг бошқа турдаги ФБлар орасида тутган ўрнини аниқлаш мақсадида юқорида қайд этилган В.Гак таҳрири остида чоп этилган луғат ўрганилди ва ундан нутқда фаоллик тамойили асосида 4541 та фразеологик бирлик танлаб олинди, уларнинг ўзбек ва рус тилларидағи муқобиллари топилди. Таҳлилга тортилган 4541 та ФБлардан 1100 таси (24,4%) ПФлар, 2040 таси (45,2 %) нейтрал ФБлар, 888 таси (18,6%) сўзлашув-маиший ФБлар ,288 таси (6,4%) сўзлашув ФБлар, 238 таси (5,3%) арготик ва 37 таси (0,82%) китобий ФБлар эканлиги аниқланди.

ФБлар ва ПФларнинг халқ орасида ишлатилишини аниқлаш юзасидан ўтказилган аноним сўровномага 179 нафар шахс (француз тили орқали 24 нафар, ўзбек тилида 127, рус тилида 28 нафар) жавоб берди. Улардан ФБни кўпроқ тушуниши бўйича юқори натижа 57,1% рус тилида сўзловчиларда, француз тили орқали 54,2%, ПФларни эса кўпроқ тушуниши 33,3% кўрсаткич билан француз тилини биладиганларда, 21,0% кўрсаткич билан рус тилида жавоб берганлар бўлди, ўзбек тилида жавоб берганлар эса проверб термини нотанишлиги боис 15,9% натижани кўрсатди. Ўз нутқида ПФларни энг кўп ишлатиш ҳолати русларда (32,1%), иккинчи ўринда ўзбекларда (27,6%) эканлиги аниқланди. Соҳа вакилларининг ПФ ва ФБларни ишлатиши таҳлил қилинганда тилшунос, шоир ва ёзувчилар 30,7%дан юқори кўрсаткични, косиб ва дехқонлар 21,8% ибораларни ўз нутқида ибораларни ишлатишади. Ёшга кўра таҳлил қилинганда 45-60 ёшдагилар (22,9%) ПФларни бошқа ёшдагиларга қараганда кўпроқ ўз нутқида ишлатар экан.

Диссертациянинг «**Провербиал фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида ПФлар миллий тил ва шу тил ижодкори бўлган халқнинг ўчмас тафаккури маҳсули ҳисоблангани боис диалектиканинг шакл ва мазмун категорияси билан бевосита боғлиқдир. ПФларда шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабати турғун иборалар англатган мазмун табиатидан келиб чиқиши ҳақида сўз боради.

ПФларнинг лексик таркибидаги компонентларга хос маъноларнинг оддий ийғиндисигина бўлмай, улар устига қурилган янги бир маъно ифодаланиши сабабли гўё ифода ва мазмун плани ўртасида қандайдир узилиш мавжуддек тасаввур уйғотади. ПФлардаги хусусий маънолар умумий маънони тўғридан-тўғри изоҳлаб бермайди, шу сабабли ибораларда ифода ва мазмун плани орасидаги боғланиш шартли бўлади. Бу ерда биттадан ортиқ компонент

²⁹ Гак В.Г. Новый большой французско-русский фразеологический словарь. –М.; 2005. –1625 с.

яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш ёки татбиқ этиш йўли билан семантик тараққиётни бошидан кечиради. Маълум бир образ асосида юзага келган ана шундай қўчма маъно фразеологик маъно ҳисобланади.

Мулоҳаза юритилаётган масаланинг моҳияти аниқлик киртииш учун ҳар учала тилда фразеологик маъно акс эттирилган қуйидаги мисолларни келтирамиз: *Il n'y a point de feu sans fumée*. Ўзбек тилидаги муқобиллари: *Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди; Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласди; Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур*, рус тилидаги муқобили *Где огонь, там и дым; Шила в мешке не утаишь*. Юқорида таъкидланганидек, ПФларда қўчма маъно, ифода ва тасвирийлик белгилари кучли эканлиги мисоллардан кўриниб турибди. Шунинг учун турғун бирикмаларда фразеологик маъно доимо бирламчи эканлигини ҳисобга олиш даркор. *Tandis que le loup muse, le brebis entre au bois*. Сўзма-сўз таржима қилинса, «Бўри увиллаб бўлгунича қўзи ўрмонга кириб кетади» маъносини англатади. Ўзбек тилида *Темирни қизигида бос*, рус тилида *Добыча ловца не ждет* муқобиллари билан берилган ушбу ПФда ҳам фразеологик қўчма маънонинг устунлиги, юқоридаги сўзма-сўз таржимага таъсирчанликнинг ошганлиги кузатилади, яъни образли тасаввурлар орқали айрим сўзларнинг маъноси иккинчи ўринга ўтиб, бирикмадан яхлит янги маъно кашф этилганлиги кузатилади.

ПФлар семантикаси уларнинг тилдаги дидактик-прескриптив функциясини бажариши орқали аниқланиб, сўз бирикмаларининг ситуатив кенгайиши натижасида юзага келади. Уларнинг характерли хусусиятларидан яна бири шуки, бир хил ситуацияларга тегишли, яъни улар доим бир маъноли бўлади. Ҳар бир ПФ маълум бир маънони кўзлаган ва ўша маъно қўчма, эмоционал шаклда яширинган бўлади. Уларни сезиб, «коса тагидаги нимкоса» борлиги ҳис қилингандагина асл маъноларини англаш мумкин. Масалан: *Tel maître - tel valet – Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади – Каков хозяин – таков и слуга; Un maleur ne vient jamais seul; Serrer la pince à quelqu'un каби мисолларда юқоридаги фикрнинг исботи кузатилмоқда*.

Бизнинг тадқиқотимиз ПФлар семантик майдонининг қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланишини кўрсатади: таркибий қисмлар орасидаги семантик муносабатнинг мавжудлиги; шу муносабатнинг тизимли характерга эгалиги; лексик бирликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоҳидалиги; майдонларнинг нисбий мустақиллиги; ПФ компонентлари семантик сатҳи белгиларининг узвийлиги.

Ҳар қандай мавзу ўзига алоқадор предмет ёки ҳодисани ифодаловчи сўз, сўз бирикмаси ёки ПФларни бириктириб, майдон ҳосил қила олади. Шунинг учун айтиш мумкинки, ПФлар танланган мавзу (ядро)дан келиб чиқиб, ядро, марказ ёки марказдан узоқроқда яъни периферияда жойлашиши мумкин. Уларнинг ўрни ўзгариб туриши ҳам шу сабаб билан амалга ошади. Лексик бирликлар учун семантик майдон ҳисобланса, фразеологик бирликлар учун эса фразео-семантик майдон ҳисобланади.

Ҳар қандай фразео-семантик майдонга киравчи ПФлар тузилиши ва лексик-грамматик жиҳатидан турли гурухларга ажратилиши мумкин, аммо улар маъно

жиҳатидан бир фразео-семантик майдонга бирлашади. Масалан, *L'amour pénètre dans l'homme par les yeux et dans la femme par les oreilles* ва *Coeur pensif ne sait où il va* ПФлари ўзида «*yeux*», «*oreille*», «*coeur*» компонентларини мужассамлаштирган. Уларни вазифасига қўра соматизмларга ёки *L'amour apprend aux ânes à danser* ПФда «*ânes*» компонентининг мавжудлиги туфайли зоонимларга киритилиши мумкин, лекин уларнинг барчаси маъно хусусиятларига қўра, бир фразео-семантик майдонда ишлатилади.

Биз қараб чиқкан қарийб мингта яқин ПФ таркибида уяли сўзлар ҳамда турғун бирикма компонентларининг грамматик жиҳатдан қайси сўз туркумига мансублиги ўрганилганда, энг катта кўрсаткич номинатив 47,5%, женский роддаги отлардан бошланадиган ПФлар 35,4% ни ташкил этди. Шулардан от сўз туркумига тегишли бўлган 270 та ПФлардан 14 та турда 37 таси (3,7%) соматизмга тегишли, 92 таси (9,2 %) зоонимиқ, 23 таси (2,3%) касбга доир ПФлар 19 тур (3%), озиқ-овқатларга доир ПФлар 11 тур (2.8%), ўсимликлар дунёсига доир ПФлар 12 тур (2,3 %), қариндошли компонентли ПФлар 8 тур (3.%), кийим-кечак компонентли ПФлар 4 та тур (0,8%), исмлар иштирок этган ПФлар 4 та тур (0,7%), инсон характеристига хос ПФлар 8 та тур (1%) ни ва инсоннинг ташқи қиёфасига тегишли ПФлар 5 та турни (0,7%) ташкил этди.

Семантик майдон тушунчасини фразеологизмлар билан боғлаб ўрганишда иккита йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш тарафдорлари (В.П.Губарев, Л.М.Золотова, Е.М.Ножин, М.И.Семко) фразеосемантик майдон тушунчасини умумий лексик-семантик майдоннинг бир қисми сифатида қарайди. Иккинчи йўналиш тарафдорлари (Л.А.Бутарева, В.Л.Дашевская, З.Ф.Скнар, В.Смирнова) фразео-семантик майдон(ФСМ)га алоҳида тизим сифатида қарашади.

Биз биринчи йўналиш тарафдорлари фикрига қўшилган ҳолда лексик-семантик майдон ва фразео-семантик майдон бир-бираидан узоқ бўлмаган ҳамда бир тизим доирасида ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз. А.И.Ройзензон ва Ю.Ю.Авалианиларнинг таърифиға қўра «Фразеологик майдон мантиқий ва психологик муҳитнинг умумийлиги, майший муҳитга teng фразеологик ҳодисалар доирасида ўзига маънодош бўлган, турлича ўзгаришлардан иборат ибораларни тўпловчи майдондир»³⁰.

Майдон атамаси атрофида бир қатор илмий қарашлар мавжуд. Жумладан, М.Умархўжаев ўз хуносасида марказ ва периферияни ажратишнинг асосий мезони фразеологик бирликлар компонентларининг интеграциялашиш даражаси билан боғлиқ деб ҳисоблайди³¹. Н.Кириллова фразеологизмларни семасиологик ва ономуасиологик планда ўрганиб, «фразео-семантик», «лексик-фразеологик» ва «фразео-лексик майдон»ларга ажратади. Фразео-семантик майдон деганда «Маълум бир тушунчани ифодалаган муҳитга тегишли ва ўзаро тизимли алоқада бўладиган фразеологик бирликлар мажмуи», масалан «ақлий фаолият», «жисмоний соғломлик», «моддий таъминланганлик» каби маънолардаги фразеологик майдонлар тушунилади— деб ёзади³².

³⁰Авалиани Ю.Ю. К сближению книжно-литературного языка и разговорной речи. – Самарканд, 1971. – С.51.

³¹Умарходжаев М.И. Основы фразеографии. – Т.: Фан, 1983. – С. 21-24.

³²Кириллова Н.Н. Компонент фразеологической единицы и слово. (на материале соматических фразеологизмов современного французского языка. Автореф.кан.филол.наук. – Л., 1975. – 20 с.


Тадқиқот жараёнида юқоридаги таҳлиллар асосида ФБ ва ПФларда семантик майдон ҳосил қилиш учун уларнинг маълум бир структураси бўлиши лозим, деб ҳисоблаган ҳолда, қуйидаги фикрларни баён этамиз. Семантик майдон – ядро, марказ ва перифериядан ташкил топган бўлиб улар ўзаро поғонали алоқада жойлашади. Ядро ўзида бирмунча умумлашган семантик мазмунни мужассамлаштируса, марказ аниқ, конкрет маъноли бирикмалардан ташкил топган ва периферия ушбу майдонга кириши шарт бўлмаган ёки бошқа семантик майдонга ҳам тааллуқли бўлаверадиган, кўп маъноли ПФларни ўз ичига олади.

Маълум бир майдонга нисбатан «ядро» ҳисобланган ПФ бошқа бир майдонда «марказ» ёки «периферия» вазифасини бажариши мумкин.

Тадқиқотларимиз ядродаги Фблар фақат кўчма маънода, марказда эса, асосан, кўчма маънода, баъзан ўз маъносида, перифериядаги иборалар асосан ўз маъносида, баъзан кўчма маънода қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Фикримиз исботи учун француз ПФларидаги «amour» (севги, муҳаббат) маъносини англатувчи семантик майдон таҳлилга тортилди.

Бу кузатишда, *биринчидан*, француз тилида «amour» семантик майдонига маъно жиҳатдан мос келадиган 50 та ПФ турли лугатлардан танлаб олинди ва таҳлил қилинди, *иккинчидан*, улар 14 та семантик майдончага ажратилди.




«Amour» семантик майдонидаги ПФлар

2-жадвал

1.AMOUR севги, муҳаббат (умумий маънода)	2.AMOUR chez l'homme et la femme - эркак ва аёл муҳаббати	3.AMOUR (les amoureux) севишганлар
4.AMOUR (premier)- биринчи муҳаббат	5.AMOUR (déclaration d'amour)- севги изҳори	6.AMOUR (coup de foudre) бир кўришда севиб қолмоқ
7.AMOUR (faire la cour) кўнгил овлаш	AMOUR	8.AMOUR (rivalité)- рақиблик
9. AMOUR (lettre d'amour)- севгинома	10.AMOUR et FIDELITE- севги ва вафо	11.AMOUR et INFIDELITE- севги ва бевафолик
12.AMOUR et AMITIE- севги ва дўстлик	13.AMOUR et ARGENT- севги ва пул	14.AMOUR et JALOUSIE- севги ва рашқ

Учинчидан, ҳар бир семантик майдончага тааллуқли бўлган мақоллар кичик гурухларда таржимасиз жойлаштирилди, *тўртинчидан*, «amour» мавзуси бўйича семантик майдон ва майдончаларнинг умумлашма формуласи ишлаб чиқилди. **ФСМ = (М(Я,М,П) - М-чалар(Я,М,П) (майдон (ядро, марказ, периферия) – майдончалар – (ядро, марказ, периферия)).** Ҳар бир семантик майдончага тааллуқли бўлган ПФлар кичик гурухларга тақсимланди. *Бешинчидан*, француз тилидаги *On ne badine pas avec amour* ибораси ФСМнинг ядроси сифатида танланди. Ядро майдонда битта бўлади. Ядро сифатида

танланган ПФ асосий мазмуннинг энг юқори нуқтасига мос келиши зарур. Мазкур маънодан узоқлашилса марказ ҳосил қилинади. Бунда иборанинг мазмунига нисбатан танланаётган ПФнинг яқин маънодалиги инобатга олинди, фразео-семантик майдондаги иборалар синчиклаб ўрганилди ва таснифланди.



1-расм. *On ne badine pas avec amour* ПФ мисолида ишлаб чиқилган фразео-семантик майдон чизмаси

Демак, бир фразео-семантик майдонга бирлашган ибораларнинг тузилиши турили-туман лексик, грамматик ўзгаришлар туфайли бири иккинчисидан “ўсиб” чиқкан, барчаси бир манбага, бир асосга бирлашгани, замирида бир образ ётиши билан характерланади. Лекин улар бир-бирига нисбатан кучли ва кучсиз, нуткий ва услубий жиҳатдан бир-биридан фарқланиши мумкин.

Ўзбек халқида меҳр-оқибатлилик юқорилигини ҳисобга олган ҳолда «Кўздан нари – кўнгилдан нари», русларнинг миллий характерига яқин: I. «Смелость города берет», II. «У страха глаза велики» антонимик иборалари танланди ва улар таркибидаги ҳар бир ФСМ, ўз навбатида, ядро(Я), марказ(М) ва периферия(П)ларга ажратилди.

Шундай қилиб, провербиал фразеологизмлар англатган фразеосемантик майдон француз, ўзбек ва рус тилларида назарий жиҳатдан умумий хоссаларга эга бўлиб, миллий жиҳатдан ўзига хос маъно товланишлари ва образлар тизимиға эгадир.

Ш.Балли «Тилни ўрганиш, маълум маънода, онгиз ҳолда бўлса ҳам, уни тарихий ўрганиш ҳисобланади», - деган эди³³. ПФлар этимологияси, яратилиш тарихи ва манбаларини аниқлаш мақсадида ҳар учала тилда 15тадан ПФ танланди, ўрганилди, тарихи ва манбалари аниқланиб, шарҳланди. Шундан айримларини келтирамиз. *L'argent appelle l'argent. Пул пулни топар* ибораси ҳалқ оғзаки ижодида кўп ишлатилади. Францияда Вангрин исмли бир

³³Балли Ш. Француз стилистикаси. Сўзлашув тил ва бетакаллуп нутқ. Француз тилидан И.Мирзаев таржимаси. Тошкент, 2009. 79 б.

дехқоннинг ери кучсиз бўлгани сабабли ҳосилнинг чўғи бўлмас экан. Мўл ҳосил олиш учун кўп пул сарфлаб, ерга ўғит солиш кераклигини анча вақт ўтгач уққан дехқон ушбу иборани ишлатган экан.

Флориде Белинжен ўзининг «Француз мақоллари этиологияси» номли китобида *Qui m'aime aime mon chien, Мени севган итимни ҳам севади* иборасини шундай шарҳлайди. Ибора Генри IV нинг гапидан келиб чиқкан. У бир жойга меҳмонга борганда унинг Фанас исмли итига эътиборсиз қарайдилар. Бу ҳам етмагандай, қутуриш касаллигига қарши эмлаш учун уни бошқа хонага олиб кетишади. Шунда жахли чиқкан қирол ушбу иборани ишлатган.

Le jeu n'en vaut pas la chandelle – Ўйин шамга арзимайди – *Игра не стоит свечи* ПФнинг келиб чиқиши шам ёруғлигига карта ўйналган даврларга тўғри келади. Ўша даврда шам жуда қиммат турар экан, шунинг учун уйнинг эгасига қиморбозлар шам учун пул ажратишар эканлар. Агар шамнинг тагига камроқ пул қўйилса ёки қўйилган маблағ ишлатилган шамнинг пулига тўғри келмаса, *Le jeu n'en vaut pas la chandelle* деб айтишган. Шундан ушбу ибора дунёга келган. Ҳозирда ҳам карта ўйналганда «чўтал» бериш одати мавжуд. Балки, бу одатнинг тарихи ҳам шундайдир³⁴.

А.Вамбери бундан бир ярим аср муқаддам ўлкамизга қилган сафаридан қайтгач, шундай ёзади: «...Шарқ қадимдан шеърият, туйғулар ўлкаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ўтовда истиқомат қилувчи кишиларда шеъриятга бўлган иштиёқ Париж ёки Лондондаги маълумотли жамият аъзоларидағига қараганда кучлироқ эканлигига ҳеч ким ажабланмаслиги керак. Мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратиш, юрт шоҳон-шоҳларининг саройида ҳам, қўчманчининг ўтовида ҳам эшитиш мумкин. Сахро ўғлони бундай «оталар сўзи»ни доимо жиддий тусга кирган ҳолда тинглайди³⁵.

Англашилади-ки, ўзбек тилида ПФлар тарихи узок ўтмишларга бориб тақалади. Юзта «сиз-биз»дан битта «жиз-биз» яхии ибораси уйга келган меҳмонга қуруқ мулозаматларсиз тўғри эътибор қилиш маъносида ҳам, қўп насиядан оз бўлса ҳам нақд яхии маъносида ҳам қўлланилади³⁶. Француз тилида ушбу мақолга мазмунан *Cela ne lui rend pas la jambe bien faite* ибораси тўғри келади.

Ўзбек тилида қўрпангга қараб оёқ узат ибораси ҳам ўтмишда бир золим подшонинг нотўғри ҳаракатлари орқали халққа етказилган азоб-уқубат натижасида юзага келган.

Аксарият мақол ва маталлар кундалик мулокот жараёнига шунчалик сингиб кетганки, улар ўзининг асл маъносини аллақачон йўқотиб, ПФларга айланиб бўлган. Шунинг учун улар инсонлар онгидаги факат интуитив тарзда тушунилади. Масалан, *Без труда не вытащишь и рыбку из пруда* ПФи ҳақида гапирилганда, балиқ ҳақида ҳам кўл ҳақида ҳам ўйланмасдан, меҳнатсиз яхши натижаларга эришиб бўлмаслиги барчага тушунарлидир. *Куда Макар телят не гонял* ибораси орқали жуда узок, одам оёғи етмаган жойлар назарда тутилади.

³⁴Назарян А.Г. Почему так говорят по-французски. – М; 1968. 352 с.

³⁵Вамбери Г. Очерки Средней Азии. – М; 1868. С.323-324.

³⁶Шомақсудов Ш, Шараҳмедов Ш., Маънолар маҳзани. – Т; 2001. 447 б.

Ибора Макар исмли бузоқбоқар билан боғлиқ афсона орқали шарҳланади. Макар камбағал, ерсиз дехқон бўлиб, ўзининг бузоқларини узоқда, ташландик жойларда боқишига мажбур бўлган бир шахс. Макарнинг бузоқлари уйдирма бўлиб, ушбу иборада ҳам *Где раки зимуют, Когда рак на горе свистнет* ибораларидаги каби юмор яширинган. *Как Мамай прошёл* иборасининг маъноси тартибсиз, остин-устин бўлиб ётган ҳолат тўғрисида. Мамай босиб олган худудларда ҳеч нарсани қолдирмасдан бузган, ёқкан, қирган, кейин ўша жойларда, ҳаттоқи ҳеч нарса ўсмай ҳам қолган. Ибора 1380 йилдаги Куликов майдонидаги жанг билан боғлиқ.

ПФларнинг қиёсий тарихи ва манбалари тадқиқотимиз объекти бўлган қиёсланаётган уч тилга оид материаллар асосида этимологик шарҳлаш орқали француз, ўзбек ёки рус тилларида айрим ПФларнинг она тили ёки бошқа тиллардан ўзлаштирилганлиги масаласига аниқлик киритилди, рус тилидан ўзбек тилига ва, ўз навбатида, ушбу иборанинг француз тилидан рус тилига ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Фразео-семантик майдон деганда маълум бир тушунчани ифодоловчи муҳитга тегишли ва ўзаро тизимли алоқада бўлган фразеологик бирликлар мажмуи тушунилади. Фразео-семантик майдонда ядро, марказ ва периферия бўлиши кузатилади. ПФлар этимологиясини ўрганиш уларнинг маъносини чуқурроқ англашга ва энг асосийси, ПФларни нутқ жараёнда тўғри қўллашга ўргатишга хизмат қиласди.

Учинчи боб «**Провербиал фразеологизмларнинг стилистик хусусиятлари**» деб номланиб, унда ПФларда окказионал трансформация ҳодисалари тадқиқ этилди. «Эски мақолларни янги шароитга мослаштириш–провербиал трансформация ҳодисасидир», -деб ёзади С.И.Гнедаш³⁷. Натижада мақолнинг мазмuni сақлаб қолиниб, шакли қисман ўзгаради ва мақоллар замонга мос равишда янгиланади. «Фразеологизмлар тузилишининг ўзгариши деформация, яъни форма бузилиши ҳодисаси сифатида қаралса, ички, яъни маъно ўзгариши модификация ҳодисасидир», деб ёзади А.Э.Маматов³⁸. Структурал ўзгаришлар орқали индивидуал–муаллиф иборалари вужудга келади. Бу иборалар нутқда кенг қўлланилиб, адабий тилдан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Шу тарзда тил фразеологик бирликлар билан бойиб боради ва тилда янги-янги Фблар пайдо бўлади.

Тил унсурлари эллиптик ва плеонастик қўлланиш хусусиятларига эга. Эллиптик ҳодиса ПФ таркибидан бирор компонентнинг тушиб қолиши бўлса, плеонастик жараёнда маълум элементларнинг қўшилиши туфайли уларнинг қўлами кенгаяди. Нутқда Фблар кўп ҳолатларда плеонастик тарзда қўлланилади. Адабий тилда таркибан ўзгармас ҳолатга келган ибораларнинг тузилишини кенгайтириш, ибора компонентлари орасига сўз ёки сўз бирикмаларини киритиш, компонентлардан бирини алмаштириб ишлатиш каби стилистик ўзгаришларда тил элементларининг керагидан ортиқ қўлланганлигини кўриш мумкин. А.Г.Назарян ўзтадқиқотларида окказионал трансформацияларнинг 16 хилини

³⁷Гнедаш С.И. Провербиальные трансформанты в функциональном стиле прессы и публицистики. На материале немецкоязычной печати ФРГ. Дис. канд. филол. наук: 10.02.04: – М; 2005. -189 с.

³⁸Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. –Т; 1989. –С 38-39.

кўрсатиб ўтган. Абдимурод Маматов француз тилидаги фразеологик бирликлардаги окказионал трансформацияланишнинг 12 турини аниқлаган бўлса, Абдугофир Маматов ўзбек тилидаги уларнинг стилистик мақсадда индивидуал ўзгаришга учраган 10 турини қайд этади³⁹. Қиёсланаётган француз, ўзбек ва рус тилларидаги турли фразеологик ва провербиал фразеологик бирликларнинг муаллифлар томонидан нисбий ўзгартиришларига доир фактик материалларни таҳлил қилган ҳолда қўйидаги окказионал трансформация ҳодисалари келтирилди.

1.Муаллиф томонидан ПФлар таркиби маълум компонентлардан олдин, кейин ёки фразеологизм таркибининг ўртада компонентлари қўшилиши орқали **кенгайтирилгани** кузатилади. Фразеологизм структурасининг кенгайиши, фақатгина механик тарзда эмас, балки унинг ифода планини ҳам, маъно планини ҳам кенгайишга олиб келади. 1328 йилда Франция қироли Филипп VI томонидан аскарларга қарата ишлатилган *Qui m'aime me suive* иборасига Ф.Раблэ ўзгача тус бериб, ўзининг «Gargantua et Pantagruel» асарида⁴⁰ руҳоний Jean тилидан, *Et frère Jean s'ecria: Je me donne au diable, si les ennemis ne sont pas dans notre clos. Ecoutez messieurs! vous qui aimez le vin suivez-moi!* шаклида ишлатган. Ушбу парчада *Qui m'aime me suive* иборасига «le vin» компоненти қўшилиши ёрдамида ПФ структураси кенгайган ва бойиган.

Оноре де Бальзакнинг «Горио ота» романидаги қўйидаги мисолда *Ménager la chèvre et le chou* ибораси моҳирлик билан ўзгартирилган.

Les filles, qui aimait peuvent être toujours leur père ont voulu ménager la chèvre et le chou, le père et le mari: elles ont reçu le Goriot, quand elles n'avaient personne.

Отасини ҳали ҳам яхши кўрувчи қизлари Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам, отаси ҳам, эрлари ҳам қабилида иши қиласидар. Яъни уйда ҳеч ким бўлмаган пайтда отаси Гориони уйларига киритадилар.

Дочери, еще любившие, пожалуй, отца, хотели угодить и волкам, и овцам, и отцу и мужям: они принимали папашу Горио, когда были одни.

Мазкур мисолларда З та тилда ҳам Горионинг қизлари отасига ҳам, эрларига ҳам бир хил муносабатда бўлган ва бу ўзига хос миллийлик ифодаланиб, уларда окказионал трансформация, яъни структура кенгайиш ҳолати кузатилган.

2.ПФлар таркибига маъно яхлитлигини бузмасдан, сўз ва сўз бирикмаларининг киритилиш ҳолатини В.Кунин **киритмалар** деб атайди. Киритмалар турли хил лексик, грамматик ва структурал ўзгаришлар билан мураккаблашуви мумкин. Фразеологизм маъносини кучайтирувчи компонентлар асосан окказионал характерга эга бўлади. Ги де Мопассан «Азизим» романининг ўзбек тилига таржима қилинган парчасида муаллиф томонидан ажойиб контаминация, киритма ва трансформация усуллари қўлланилган. Унинг ич-этини гашлик кемириб борар, назарида қандайдир одат тусига кириб кетган, гайриқонуний, шубҳали ишлар бўлаётганга ўхшар,

³⁹Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологиясини шаккланиши масалалари. 10.02.02 Миллий тиллар (ўзбек тили). Фил.фан.док.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати -Т.: 1999.56 б.

⁴⁰Rabelais François. Gargantua et Pantagruel. Paris,1952. -P. 29-40.

қўлнинг кирини қўл ювади зайдида, сиздан угина, биздан бугина қилишиб, бирбирларининг чўнтакларини тўлдиришиб юришгандир деган хаёлга борар, буларнинг баридан қуруқ қолаётган каби ўртанаарди (И.Фафуров таржимаси).

Ушбу гапда ич-этини кемирмоқ иборасида ғашлик маъносини ифодоловчи компонент киритма сифатида қўшилган, қўл қўлни қўл ювади ибораси эса қўлнинг кирини қўл ювади шаклида ишлатилган, бунда «кирини» сўзи киритма сифатида қўшилган. Шунингдек гапга *Сиздан угина, биздан бугина* мақоли қўшилиши орқали у стилистик нуқтаи назардан янада актуаллашган. Лекин ушбу парчанинг француз ёки рус тилидаги вариантларида бу каби окказионал ўзгаришлар кузатилмайди.

3. Фразеологик бирликларда **контаминация** ўзаро ўхшаш икки сўз ёки иборани бирлаштириш йўли билан янги иборанинг ҳосил бўлишидир. Унда муаллиф икки фразеологизм ёки уларнинг қисмларини бирлаштирган ҳолда бир матн доирасида қўллайди ва шу тарзда маънонинг таъсирчанлиги ошган ва стилистик имкониятлари янада кенгайган бўлади. Туташ фразеологизмлар маъноси оддий фразеологизм маъносига нисбатан кучлироқ, образлироқ, бўёқдорроқ, маҳсулдорроқ бўлади. Масалан, М.Эменинг «Виувра» асаридан олинган қўйидаги парчада*je donnerais ma langue à couper que le cadavre du bouquiniste lorsque l'Assassin a quitté les lieux, était recouvert par la cape module Simoni perdre sa langue* (тилдан қолмоқ) ва *donner sa tête à couper* (бошини кундага қўймоқ) 2 та алоҳида иборалар муаллиф томонидан контаминацияланган.

Иккита фразеологизм структураси бузмаган ҳолда бир матн доирасида ишлатиши кузатилди: Масалан: *Султон... кулоҳини олиб қўйиб тақир бошини силади. «Кичик калит катта эшик очибди. Ширин-ширин сўзла, урсанг эти қотади, сўксанг бети қотади», дерлар. Зора, мажнунлиқ феълини ташласа. Не қилиб бўлса-да, Кўтбиддинни дарбадарлик биёбонидан оғдириб, саройда олиб қолмоқ керак* (С.Сиёев).

4. Синонимик, антонимик алмашиниши ва неологик ПФларга бағишлиланган фаслда фразеологизмларнинг лексик компонентларидан бирининг ўрнига бошқасининг қўлланиш ҳодисаси бўйича фикр юритилган. Шунингдек, ишда тилга жамият тараққиёти таъсирида янгидан кириб келадиган сўзлар, ПФлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, рус тилида *Кто рано встает – тот далеко от работы живет* мақоли шаклида ўзгарган. *Не имей сто процентов, а имей сто клиентов* мақоли *Не имей сто рублей, а имей сто друзей* мақолидан, *Семь раз об дверь, один раз – об рельс* мақоли *Семь раз отмер, один раз отрежь* мақолидан, *Взялся за грудь-скажи что-нибудь* мақоли *Взялся за гужь, не говори что дюжь* мақолидан, *Сколько мусорное ведро ни утрамбовывай –выносить все равно придется* асосида ёки *Скор из избы не выносять* мақоли образи асосида пайдо бўлган. *На бога надейся, сам не воплошай* ибораси негизида *На дедмороза надейся, а сам не воплошай* кўринишдаги ибора пайдо бўлган. Шу каби мақоллар бир вақтнинг ўзида рус халқ оғзаки ижодида, окказионал трансформацияланиб, бир қатор компонентлари синонимик алмашинишларга учраб, ўзgartирилган шаклда ишлатилган.

Шунингдек, бугунги кунда ахборот коммуникацион технологиялари (АКТ), компьютер, интернет билан боғлиқ жуда кўп янги терминлар кириб келди ва улар ҳам мақол ва маталларда ўз ифодасини топмоқда. Қуйида ёшлар орасида кенг тарқалаётган замонавий, янги кўринишдаги **неологик провербиал фразеологизмларни** келтирамиз. Улар ҳам мавжуд мақолларнинг маълум компонентлари алмашиши ҳисобига яратилган. Жумладан: Қиёсланг;

Бей своих, чтобы чужие боялись
Пришла беда, отворяй ворота
Волков боится, в лес не ходить
Без меня меня женили
Рыбак рыбака видит издалека
У семи нянек дитя без глаз
На людях ангель, дома черт
Словами сыт не будешь
Любов зла, полюбишь и козла

- Бань своих, чтобы чужие боялись
- Пришел эмо-глист, отворяй бан-лист
- Срача бояться, в комменты не ходить
- Без меня меня залогинили
- Тысячник тысячики видит издалека
- У семи админов флудер без бана
- В юзер-инфо пан, а на людях болван
- Пингами сыт не будешь
- Накрутка зла, зафрендишь и козла

Француз тилидаги *Le tchat parti, les souris ne cliquent plus* мақоли *Le chat parti, les souris dansent* (*Сулаймон ўлди, девлар қутулди*) мақолидан ёки *Au royaume des dindes, les poules sont reines* мақоли *Au pays des aveugles les borgnes sont rois* (*Булбул йўқ жойда қарқуноқ – булбул*) мақолидан компонентлари алмашган ҳолатда ишлатилиши, провербиал фразеологизмлар замонавийлашиб бораётганининг белгисидир. Ўзбек тилида *Мен қиласман ўттиз, тангрим келади тўққиз* мақоли «Маънолар маҳзани» лугатида *Мен қиласман ўттиз, хотиним қиласди тўс-тўс* кўринишда янгича шаклда берилган⁴¹.

5.Эллипсис ҳодисасида нутқ элементлари тушиб қолади ва шу билан контекстуал ва семантик таҳлил асосида қайта тикланувчи ёки матндан англашилиб турувчи стилистик ўзгаришлар юзага келади. Тушириб қолдирилган элемент нутқ вазиятига кўра ёки маълум контекстуал қуршов асосида тезда қайта тикланиши билан характерланади. Масалан: қуйидаги ушбу парчада *Il dirait que l'Aurélie était maleureuse, que son homme l'avait tué de travail: Des bêtises; pas même pour fouetter un chat.* (Тўлиқ шакли *Il n'ya pas de quoi fouetter un chat*, М.Эмэ). Ёки *Tous les métiers sont honorables* мақолининг *Ҳар ишини қиласма орзу....бордир тошу тарозу* кўринишдаги ўзбекча муқобилида эллипсис ҳодисаси кузатилади. Ёки рус тилидаги *Это не стоит и выеданного яйца* яъни *Арзимайди галваси, куйдирали шогирдонасига тўғри* келади. Ўзбек тилида ҳам, кўпинча, *Арзимайди галваси* кўринишида ишлатилади. Ёки *Санжар ўртанди, ёнди. Алхазар, дея ўкинди, бу дунёning иморатини вафо устунлари тутиб турар эрмиш, vale томи хиёнатдан ётилмиш. Начора қўйни ҳам ўз оёгидан осарлар.* Қиёсланг: *Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёгидан осарлар* (С.Сиёев). Тил элементларининг тушириб қолдирилиши маъно қўламига путур етказмайди, балки маълум стилистик бўёқдорликка эришилади. Рус тилидаги *собака на сene* ибораси ҳам кўпинча эллипсис ҳолатда ишлатилиши сабабли,

⁴¹Шомақсудов Ш, Шараҳмедов Ш., Маънолар маҳзани, -Т; -2001.447 б.

унинг тўлиқ шаклини кўпчилик билмайди. У қуйидаги кўринишга эга *Собака на сене лежит, сама не ест и скотине не дает.*

6. Тилда сўз ўйини ясашнинг самарали турларидан бири фразеологизмларни **иккиламчи актуаллаштириш**дир. Чунки бу услуб ўзининг сатирик ва комик маҳсулдорлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Тилшуносликда каламбур, яъни сўз ўйини фразеологизмларни актуаллаштириш ҳодисаси остида ўрганилади. Тадқиқотчилар, одатда, халқнинг жонли сўзлашув нутқида минг йиллардан буён қўлланилиб, ўз даври учун бирламчи даражада актуал бўлган турғун ибораларни бугунги кун одамлари руҳиятига мос ҳолда қайта ўзлаштириш ва ўзгартиришни «иккиламчи актуаллаштириш» деб таърифлайдилар.

Фразеологизмларни актуаллаштириш тил сатҳида эмас, балки нутқ сатҳида юз беради. Масалан: *Quand Paris se sent morveux, c'est la France tout entière qui se touche* (*Когда у Парижа насморк, вся Франция сморкается*). Француз тилидаги *Qui se sent morveux se touche* ибораси актуаллаштирилган. Рус тилида *Знает кошка, чьё мясо съела ёки У вора шапка горит* иборалари ўзбек тилида *Ўзри мушукнинг думи қийшиқ бўлади* иборасига тўғри келади.

Рус комик ёзувчилари И.Ильф ва Е.Петровларнинг асарларида каламбур ҳодисалари кўп учрайди. Қуйидаги мисол орқали Фблар актуаллашмоқда. *Надо решительно отказаться от такого рода мерок в литературе - на голову выше, на голову ниже, на полкорпса впереди, идут ноздря в ноздрю. Это товарищи, беговые жеребьячи термины и они неприемлемы к искусству.* Ушбу гапда *на голову выше, яъни бир калла юқори иборасига на голову ниже, на пол корпуса впереди* сўз бирикмалари қўшилиб, актуаллашиш ҳодисаси кузатилган.

– Э-ҳа, даврадаги кекса усталардан бири ҳафсаласи тир бўлгандай қўл силтади, Туяning думи ерга текканда тайёр бўлар эканда, а? – Причем здесь туяning думи? – дўриллади Еременко соддалик билан. – Ҳа, и...е. Туяning думи шунақаям причемки. – Тароқлаш машинасига суюнган жиккакина оқсоқол уста қизишиб кетиб дастгоҳни шапатилади (И.Ильф, Е.Петров). Кўринадики, умумтилдаги туяning думи ерга текканда ибораси персонаж Еременко томонидан эркин бирикма сифатида тушунилади. Бу ҳолат эса устани ғазаблантиради ва унинг жавобида ўз аксини топади: *туяning думи шунақаям причемки.* Бу эса персонажлар томонидан нутққа комик бўёқдорлик бағишлиади.

7. **Фразеологик конвергенция** бир матнда икки ёки ундан ортиқ фразеологик услубларни бирлаштириш асосида юзага келадиган услубдир. *Бой бойга боқар, сув сойга оқар* мақолининг *Бой бойга, сув сойга оқар* шаклида қўлланилиши ҳосил бўлиши конвергенцияга мисолдир. Ги де Мопассаннинг Азизим романида қаҳромон Форестье Дюруанинг кўнглини овлаш мақсадида «Француз ҳаёти» журналида ишлаётганлар *Tous les hommes sont bêtes comme des oies et ignorants comme des carpes*, деб айтади. *Одамларнинг ҳаммаси – гирт оми ва аҳмоқ, ҳеч бирининг тўнкадан фарқи йўқ.* Бу ибора XIX асрда Бальзак, XX асрда Р.Ролан ва б. асарларида ишлатилган. Ушбу ПФлар француз тилидаги *carpe*, яъни кўзлари думалоқ ва ўткир, оғзи эса доим очик балиқقا қиёслаб яратилган фразеологизм. Муаллиф ушбу ҳолатда иккита *bêtes comme des oies – ғоздек аҳмоқ, ignorants comme des carpes – «карпдек оми»* Фбни

битта гапда усталик билан ишлатиб, контаминация ҳолатини ва фразеологик конвергенция усулини қўллаган.

8.Аллюзия фразеологизмларнинг бир бўлаги шаклида ишлатилиб, умумхалқ тилидаги анъанавий фразеологизм руҳини англатишидир. Нутқда баъзи фразеологизмларнинг тўлиқ шакли эмас, балки, худди метонимиядаги сингари, маълум қисмигина ишлатилади. Масалан, «acheter le chat dans un sac» деган ФБни олайлик. У қўп ҳолатда «le chat dans un sac» шаклида ишлатилади ва «acheter» қисмисиз умумфразеологик бирликнинг маъносини англатади. Яна қиёсланг: Ушбу мисолда *Султоннинг ўпкаси тўлди. Гуриллаб самога ўрлаётган гулханни аста-секин кавлар экан, кўксидан совуқ фарёд отилиб чиқди: Воҳ, номард бола-я, номардгина бола! Матал борким, хашаки отни емга ўргатсанг, тўрбонинг тагини тешар эмиши. Тўрботешар, сен бўлдинг, нонкўр!* У дунё, бу дунё берган тузимга рози эмасман.... (С.Сиёев)

Ўзбек ёзувчилари асарларида аллюзия персонаж нутқида ҳам ишлатилади: *Хўрликда ош егандан кўра, мушиллаб қон ютган ҳам маъқулми, деб қўйдим-да, деди Намозбой отахонга эътиroz билдириб.*(Х.Тўхтабоев) Бу матнда ҳам персонаж ўз нутқида маъно ва структура жиҳатидан деярли тенг бўлган эркин бирикмани ишлатиши билан тилдаги эгилиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган яхии мақолининг образи ётганини кўриш мумкин. Диссертацияда ҳар бир ҳодиса бўйича З та тилдаги тўлиқ мисоллар келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Француз, ўзбек ва рус провербиал фразеологизмларида миллий-маданий хусусиятлар»** деб номланган бўлиб, унинг кириш қисмида лингвомаданиятшунослик тўғрисида фикр юритилади. Кейинги йилларда фразеология соҳасида лингвомаданиятшунослик, миллий-маданий хусусиятлар фаол тадқиқ қилинмоқда. «Алоҳида олинган тилнинг ички тузилиши ва ўзига хослиги миллат руҳининг ўзига хослигини тўлиқ кўра олиш қобилияти билан бевосита боғлиқ ҳодисадир», -деб ёзади В.Хумболт⁴². Бу фан когнитив лингвистика билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тил – инсон – маданият учлиги, маданият ва тилнинг ўзаро таъсири масалалари ўрганилади. Маданият ҳеч қачон қотиб қолган ҳодиса сифатида талқин қилинмаслиги лозим, чунки у тараққий қилиб боради, бир ҳолатдан иккинчисига ўтади, бошқа маданиятлар билан қоришиб боради⁴³.

Тил бирликлари ичida миллий-маданий хусусиятларни энг равон, аниқ, ихчам қилиб ифодалайдиган тил бирлиги ҳам, халқ тилининг кўзгуси ҳам бу ПФлардир. Бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди уларнинг иштирокисиз ширасиз ҳисобланади, нутқнинг гўзаллиги, мазмуннинг сержилолиги, тил бойлиги, кўпроқ, ПФларда намоён бўлади. ПФларда миллийлик уларнинг таркибида яъни компонентларида француз, ўзбек ёки русларга хос бўлган белгиларнинг миллий урф-одатлар, эртак, тарихий афоризм, кийим-кечак ва жой номлари орқали кўпроқ намоён бўлади.

Француз тили ПФларида миллий-маданий хусусиятлар шу миллат вакилларининг феъл-автори, ташқи қиёфаси, яшаш тарзи ва ҳайвонлар

⁴² Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкоznанию. - М; 1984. 400 с.

⁴³ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах. 2006. - Б.63.

характерига қиёсан очиб берилади. Бир мисол билан чегараланамиз. Le français dort comme un lion, a une faim de loup, a un oeil de lynx, a une vie de chien. Pour être toujours prêt à se faire aussi gros qu'un boeuf ou à passer par un trou de souris, il lui faut être rusé comme un renard. Quoique l'amour, dont il fait souvent son cheval de bataille, le rendre gai comme un pinson et léger comme une plume, il n'aime pas faire le pied de grue et rester comme l'oiseau sur la branche. Si donc on lui pose trop de lapins, surtout par un froid de canard, il aura vite la puce à l'oreille et –(...) n'hésitera pas à prendre le taureau par les cornes (...). Il en tombera peut être malade comme un chien, au points d'en avoir une fièvre de cheval, mais il saura rester, sur ses mésaventures, muer comme une carpe car, s'il est parfois bavard comme une pie, il sait aussi mettre un boeuf sur sa langue, avouer que c'est un drôle de zèbre⁴⁴. (Французлар шер сингари ухлайди, бўридай оч юради, ўткир қўзлари билан ўзгалар фикрини ўқий олади, итдек тиним билмай ишлайди, ҳар доим ҳўқиздек катта бўлишга ва сичқоннинг инидан ўтишга тайёр бўлади, улар тулкидек айёр, севги бобида доим от чоптиришади, ҳамма вақт мулоим, қуш патидек енгил. Улар қўзлари тўрт бўлиб кута олмайди, бекорчиликдан дарахт шохига чиқиб ўтиришни ёқтиришмайди. Агар кимдир уларни итни ўлдирап даражадаги совуқда доғда қолдирмоқчи бўлса, ҳеч иккиланмасдан, сузагон ҳўқизнинг шохидан тутишга ҳам тайёр туришади. Улар хушторлик саргузаштлари билан балиқдек жим юришади, мабодо вино таъсирида булбулдек сайраб қолишиша ҳам зебра ҳазилини қилгандек сўзларига эгалик қилишни билишади. *Таржима бизники -A.H.*).

Француз тили ибораларида миллий-маданий хусусиятлар ўзига хос йўналишларда намоён бўлиши қуйидаги мисоллар орқали кузатилди: *Avec un «si» on mettrait Paris en bouteille* мақолида миллийлик «Париж» компоненти орқали ифодаланганди. Маъноси, «si» сўзи ёрдамида Парижни шишага солиш мумкин». Шунингдек, *Paris n'est pas fait en un jour* мақолида Париж компоненти, "Noël" au balcon - "Pâques" au tison мақолида Noël ва Pâques француз байрамлари, *On ne fait pas d'omelette sans casser des oeufs* – Тухумни синдирилмасдан омлет тайёрлаб бўлмас иборасида омлет компоненти орқали миллийлик акс эттирилган.

Элзасликларда *La maladie arrive sur un cheval et s'en va sur un escargot* (Касаллик отда келиб, шиллиқ қуртда кетади) ибораси ишлатилади. Аслида *La maladie vient à cheval et s'en retourne à pied* – яъни Касаллик отда келиб, пиёда кетади шаклидадир. Элзас вилояти «escargot» компонентига алмаштирилиб, миллийлик янада бўрттирилган.

Миллий ПФларнинг ўзига хослиги бевосита ўзбек ҳалқининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва майший ҳаётини кўрсатиб бериш, топономика, ўсимликлар дунёси, ҳайвонлар дунёси иштирок этишда, ўзбек ҳалқига хос характер, хислатларнинг ифодаланишида, урф-одат ва маросимларнинг мавжудлигига ҳамда адабий-бадиий тилда акс этади. Ўзбек тилида қуйидаги йўналишларда ПФларда миллийлик акс эттирилиши кузатилди. Миллий кийимлар орқали: *бош омон бўлса, дўппи топилади; бош ёрилса дўппи ичиди*

⁴⁴ Pierre Daninos, Le Jacassin. Hachette. 1962.

қўл синса-енг ичида; бўзчи белбоқقا ёлчимас; тўнини тескари киймоқ; озиқовқат, таомлар номлари орқали: ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич; камбагалнинг оғзи ошга етганда бурни қонайди; миннатли ошдан беминнат мушит яхши; дошиқозонда пишган ош хом бўлмас; шавла кетса кетсин-у, обру кетмасин; ўзбекча исм компонентлар орқали: ақл Ҳасандир, одоб Ҳусандир; Али десанг, Вали дейди; Алиёр овга чиқди, кетидан говга чиқди; Бояги-бояги - Бойхўжсанинг таёги; ишини қиласи Эшимат, лофни қиласи Тошмат каби мақоллар шулар жумласидандир. Урф-одатлар орқали: ошиқ ўйнаган озар, тўтиқ ўйнаган тўзар, ҳаммадан ҳам қўй бокиб, қуйруқ еган ўзар; ўтганнинг ўрогини – кетганнинг кетмонини олар; меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан; жой номлари иштирокида: Тошкентнинг таригини еган чумчук Маккадан қайтиб келади; тентакка Тўйтепа йўлми; гап десанг қоп-қоп, иши десанг Самарқандан топ; Хонқалининг бойини, Хивалининг камбагалини билиб бўлмайди; атроф-мухит хусусиятлари, чорвачилик, деҳқончилик, бозор-ўчар орқали: лойдан ясаб офтобда қотирмоқ; от тепкисини от кўтаради; арава бузилса ўтин бўлар, қиз бузилса хотин; шошмаган арава қуёндан ўзибди; бир киши ариқ қазир, минг киши сув ичар; имитга, им қуйругига буюрибди каби ибораларда ҳам миллий-маданий хусусиятлар сезиларли даражада акс этган.

Всяк Еремей про себя разумей; Далеко кулику до Петрова дня; У чёрта на куличках; Не всё коту масленица, будет и великий пост; Хоть моина пуста, да душа чиста; Каково погода в чистый четверток, таково и в Вознесенье; У кого к чистому понедельнику скоромъ в зубах навязнеть тот чертей во снег видит; В одном кармане сочельник, в другом чистый понедельник каби иборалар орқали рус миллатига хос байрамлар, урф-одатлар орқали, Чистый понедельник – катта пост пайтидаги биринчи душанба ва чистый четверг эса Пасха байрамидан олдинги энг охирги (муборак) пайшанба кунлари билан боғлиқ тарзда юзага келган мақоллар орқали русларга хос миллий-маданий хусусиятлар намоён бўлиши кузатилди. Шунингдек, рус фразеологизмлари ўрмон, дала, одамларнинг хуторда яшаш тарзи, қалин қордаги ов, рус қиши ҳавоси билан боғлиқ ПФлар орқали ҳам миллий-маданий хусусиятлар намоён бўлади. Масалан, болото без черта не бывает, растут как грибы после дождя, заблудиться в трех соснах, одного поля ягода, горький как полынь, глядит словно кот на сало, как сыр в масле, дым коромыслом, липнут как мухи на мед, куда ворон костей не заносил, как сельди в бочке каби.

Умумбашарий провербиал фразеологизмлар француз, ўзбек ва рус ҳамда бошқа ҳалқлар ижодида бир-бирига маъно жиҳатидан мос бўлган ПФлардир. Ушбу қатламга мансуб иборалар ўзида умуминсоний фазилатларни улуғлаш ва ибрат қилиб кўрсатиш каби хусусиятлари билан миллий провербиал фразеологизмларга сингиб кетган. Ушбу ҳалқлар мақоллари доирасидаги бу қатлам, бир томондан, бевосита шу ҳалқлар ҳаёти, тараққиёт даражаси маҳсули сифатида вужудга келган бўлса, иккинчи томондан, ўзга ҳалқлар мақоллари таъсирида пайдо бўлган. Ушбу тарздаги ПФларни умумбашарий ПФлар деб атамиз. Жумладан, *Au besoin on connaît l'ami*=Друзья познаются в беде=Дўст оғир кунда синалади; *Qui creuse la fosse à un autre*, у *tombe lui tême*=Не рой другому яму – сам в нее попадёши =Бирорга чоҳ қазисанг ўзинг йиқиласан; *Qui*

langue a, à Rome = Сўраб-сўраб Маккани топибди. Язық доведёт до Киева мақолида Европада илм ўчоғи Рим, Қадим Русда Киев ва мусулмонларнинг энг улуғ, муқаддас жойи Макка шаҳри ҳисоблангани учун ҳам, ҳар бир тилдаги ПФ шу тил, миллат учун миллий асосдаги ПФ ҳисобланади, учаласи бир маънони англатгани учун умумбашарий ПФлар ҳисобланади.

Ўзбек тилидаги *Икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас* мақоли русларда *Два медведя в одной берлоге не уживаются ёки Два меча в одних ножнах не уместятся* шаклида ишлатилса, унга муқобил сифатида француз тилида *Deux chiens à un os ne s'accordent pas* ёки *Deux moineaux sur un épi ne sont pas longtemps amis* вариантлари тўғри келади ва учта тил ўртасида умумбашарий ПФларга мисол бўлади.

Турли тилларда бир хил маънони англатувчи ПФлар мавжуд бўлиб, улар ҳам шаклан, ҳам мазмунан бир хил бўлганликлари туфайли биз уларни умумбашарий ПФлар деб атаемиз.

ХУЛОСА

Француз, ўзбек ва рус провербиал фразеологизмлари устида олиб борилган кузатишлар қуйидаги илмий-назарий хуносаларга келиш имконини берди:

1.Киёсий-тарихий, типологик ва ҷоғиштирма тилшунослик назариясида француз тили фразеологиясини рус тили билан қиёслаб ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, фразеологизмлар таркибида провербиал фразеологизмларнинг учта тилда француз, ўзбек ва рус тилларида семантико-стилистик ва миллий-маданий ҳусусиятларини қиёслаб, ҳам этимологик, ҳам лисоний, ҳам таржима нуқтаи назаридан тўлиқ ўрганилмаган.

2.Компонентлари ягона ипга тизилган, семантик яхлит, структураси турлича бўлган, мустақил шаклланган, инсон хотирасида тайёр ҳолда мавжуд бўладиган, тўлиқ ва қисман кўчма маънода ишлатиладиган, экспрессив-эмоционал ифодалиликка эга бўлган турғун сўз бирикмалари, қанотли сўзлар, иборалар, мақоллар, маталлар, афоризмлар, юмуқ иборалар ПФлар ҳисобланади. ПФлар аниқ, тугал фикр англатади ва бу фикр қатъий, лўнда хуноса сифатида ифодаланади. Уларда ортиқча сўз, тасвирийлик учрамайди, чунки ихчам фикрнинг ўзи эстетик жиҳатдан катта моҳият касб этади. ПФлар воқеликни ёки ижобий ёки салбий нуқтаи назардан баҳолайди ва кўчма маъно акс эттиради. ПФлар ҳалқ ҳаётининг мавжуд барча соҳаларини бутун зиддиятлари билан акс эттиради. Даврлар ўтиши билан ҳар бир ПФ семантик табиатида ҳайратомуз даражада турли ифодалар юз беришига имкон яратади. Мана шундай ҳолат айрим ПФларни бир неча мавзуу доирасида кўллашга йўл очиб беради. ПФларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар кишига ғоявий йўналиш беради, ундаги ижобий идеалларнинг шаклланиш, ривожланишига йўл очади ва шахсни ўз идеаллари учун фаол ҳаракат қилишга, керак бўлса, курашишга ундейди.

3.Фразео-семантик майдонларни ўрганиш уларнинг семантик табиатини, ифодалилик, фразеологик маънонинг лексик маъно билан алоқасини аниқлаш имконини беради. Лексик-семантик майдон ва фразео-семантик майдон бир тизим доирасида ўрганилиши лозим. Фразео-семантик майдонда ядро, марказ

ва периферия бўлади. Диссертацияда ҳар учала тилнинг миллий-маданий хусусиятлари таҳлил этилганлиги сабабли учта тилда турли хил мавзу доирасида фразео-семантиклар майдони шакллантирилди. Жумладан, француз тилида «amour -муҳаббат», «amitié–дўстлик» ва «prudence–эҳтиёткорлик» мавзулари француз тилининг муҳаббат тили эканлиги, французларда дўстлик юқори бўлиши ҳамда ҳар бир ишда эҳтиёткор бўлишига кўра, ўзбек тилида эса «кўздан нари – кўнгилдан нари» ибораси ҳалқимизда меҳр туйғусининг баландлиги, каттага ҳурмат ва кичикка иззатда бўлиш каби миллий қадриятлар асосида, рус тилида эса «на Руси не все караси-есть и ерши» ПФидаги русларга хос миллий характердан келиб чиқсан ҳолда «смелость города берет», «у страха глаза велики» антонимик маънодаги ПФлар фразео-семантик майдон ядроси сифатида танланди ва шарҳланди.

4.ПФларнинг этимологик қиёсий таҳлили ҳалқларнинг ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, ўзига хос сўзларнинг (реалиялар) ғоявий мазмунини очиб беради. Француз, ўзбек ҳамда рус тилларида ПФларнинг учта тилда (15 тадан) тарихи ва манбалари аниқланди. Унда ўзбек тилига рус тилидан ўзлаштирилган ва ушбу ибора рус тилига француз тилидан ўзлаштирилганлиги каби ҳолатлар ҳам маълум бўлди.

5.ПФларни трансформациялаш, уларнинг стилистик хусусиятларини ўрганиш қиёсланаётган тилларнинг умумхалқ провербиал фразеологик бирликларни бадиий матнда қандай окказионал ўзгаришлар содир этиши, бадиий сўз усталарининг бу бирликлардан моҳирона фойдаланиши ҳамда қандай стилистик мақсадга эришганликлари исботланди.

6.Ўрганилган материаллар асосида фразеологизмлар окказионал трансформацияланиши: 1) фразеологизмлар структурасининг кенгайиши; 2) киритмалар; 3) фразеологик бирликларда контаминация ҳодисаси; 4) синонимик, антонимик ва ситуациян алмашишилар, неологизмлар; 5) эллипсис ҳодисаси; 6) иккиласида актуализация; 7) фразеологик конвергенция; 8) аллюзия каби усувларнинг қиёсланаётган учала тилга ҳам хослиги аниқланди.

7.ПФлар француз, ўзбек ва рус тилларининг миллий-маданий хусусиятларини ифодаловчи энг муҳим омил эканлиги ўз исботини топди, яъни миллий-маданий хусусиятлар миллатнинг маданияти, дунёқараши, турмуш тарзи, урф-одат ва удумларини ёритувчи, этик ва эстетик меъёрларини, оғзаки ва ёзма нутқдаги миллий кўчма маънодаги иборалар иштирокида акс эттирилади. ПФларнинг миллий ўзига хослиги бевосита ҳалқларнинг ижтимоий-сиёсий ва майший ҳаётини акс эттириб, уларга хос характер, хислатларнинг ифодалашида, топонимика, флора, фаунанинг иштирокида, миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларнинг мавжудлигига ва шу ҳалқларнинг адабий-бадиий тилида намоён бўлиши аниқланди.

Миллий-маданий хусусиятлар билан бир қаторда, француз, ўзбек ва рус ҳамда бошқа ҳалқлар афористик ижодида мавжуд бўлган умумбашарий фразеологизмлар бир томондан, бевосита шу ҳалқлар ҳаёти, тараққиёт даражасининг маҳсулси сифатида вужудга келган бўлса, иккинчи томондан, ўзга ҳалқлар ПФлари бойлиги таъсирида пайдо бўлиши аниқланди.

Шу билан бирга ўкувчи ва талабаларга чет тилларни ўргатища ПФлардан фойдаланиш орқали уларда социолингвистик компетенцияларнинг шаклланишига ҳисса қўшгани маълум бўлди.

8.Француз, ўзбек ва рус тилларидағи ПФларни қиёслаш, улардаги миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини ўрганиш ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги ва умумий томонлари ПФлардаги миллийлик ва умумбашарийлик ҳолатларини ифодалайди. Бу таққослаш бир неча омилларни келтириб чиқарди:

Ҳар учала миллатнинг ўзига яраша ўтмиши, тарихи ва бугуни бир-биридан катта фарқ қиласди. Бу халқлар бой меросга, маънавий, маданий қарашлар ва ўз манбаларига эга. Тарихга бир назар ташланса, 1750–1800 йилларда Франциянинг Россия маданияти, ҳаёти ва тилига, 1917 –1991 йилларда рус тилининг ўзбек тили ва маданиятига таъсири салмоқли бўлган. Бу ўз-ўзидан ҳар бир миллатнинг тилидаги сўз, ибора ва ва провербиал фразеологизмларни ўзлаштиришга, яъни бир тилдан иккинчи тилга, ёки бир неча тилга ўтиб ўзлаштирилишига олиб келиб, умумбашарийликни келтириб чиқаришга хизмат қиласди.

Французлар Фблари таркибида пишлоқ, вино, бақа кабиларнинг номлари билан боғлиқ таомлар, миллий ўзига хос озиқ-овқат маҳсулотлари номи билан боғлиқ, рус Фблар таркиби Россиянинг географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, ўрмонда ўсадиган ўсимликлар ва ҳайвонлар номи кўпроқ учраса, ўзбек Фбларда эса француз ПФлари мавзуй таснифланишида кузатилмаган «меҳмон ва меҳмондорчилик» ҳақидаги ПФлар мавжуд бўлиб, улар орқали бу тилларга хос миллий колорит, милий-маданий хусусиятлар акс эттирилади.

9.Ушбу тадқиқотда ўзбек тилида мақолларнинг француз ва рус тилларига қараганда кўпроқ ишлатилиши ҳамда уларнинг бошқа тилга ўтиб ўзлашиши орқали мазкур тилнинг фразеологик фонди тўлиб бориши ўз исботини топди. .

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК № 14. 07. 2016. Fil. 09. 01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ,
УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

НАСИРОВ АБДУРАХИМ АБДИМУТАЛИПОВИЧ

**СЕМАНТИКО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ И НАЦИОНАЛЬНО-
КУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕРБИАЛЬНЫХ
ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ ВО ФРАНЦУЗСКОМ, УЗБЕКСКОМ И РУССКОМ
ЯЗЫКАХ**

**10. 00.06 – Сравнительное литературоведение,
сопоставительное языкознание и переводоведение
(филологические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Ташкент – 2016

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № 20.02.2014 /B2014.3-4.Fil148

Докторская диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице научного совета <http://www.tashgiv.uz/> и информационно-образовательном портале ZiyoNET (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Маматов Абди Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мирзаев Ибодулла Камолович
доктор филологических наук, профессор

Бакиров Поён Уралович
доктор филологических наук, профессор

Менглиев Бахтиёр Ражабович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Версальская академия (Франция)

Защита диссертации состоится «____» ____ 2016 г. в ____ часов в зале заседаний Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук 14.07.2016.fil.09.01 при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Узбекском национальном университете по адресу: 100047, Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабз, д.16. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрированной под №____).

Адрес: 100047, Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабз, д.16. Тел: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «____» ____ 2016 г.
(Протокол реестра №____ от «____» ____ 2016 г.)

Маннанов А.М.,
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.ф.н., профессор

Омонов К.Ш.,
Секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.ф.н., доцент.

Бокиева Г.Х.,
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени доктора наук, д.ф.н., профессор

Введение (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По причине отсутствия единого и совершенного видения фразеологических единиц в мировой лингвистике, проблема сущности фразеологии считается всегда спорной, что побудило нас исследовать их характерные свойства.

Интеграция Узбекистана в мировое сообщество, развитие науки, технологий и конкурентоспособность подрастающего поколения в мультикультурном мире требуют знания нескольких языков в совершенстве и их сопоставления с узбекским языком является актуальной задачей сегодняшнего дня. В книге «Высокая духовность – непобедимая сила» отмечается необходимость решения важнейших задач по «изданию этимологических и сопоставительных словарей, разработке необходимых терминов и оборотов речи, понятий и категорий, ...созданию благоприятных условий для наших детей по овладению ими иностранными языками и информационными технологиями в совершенстве»⁴⁵. Несмотря ведущиеся в республике успешные работы в области сравнительно-сопоставительных исследований, необходимо отметить наличие проблем, требующих последовательных исследований в области сравнительного изучения фразеологии из-за сложности фразеологического материала и неполной разработки общей теории фразеологии.

Фразеологические единицы (далее ФЕ) являются образными выражениями и изобразительными средствами, созданными народами в течении несколько веков, и провербальный фразеологизм (далее ПФ) составляет отдельную часть этих средств. ФЕ являются своеобразным продуктом творческой мысли народа и в них находят свое короткое и совершенное отражение отношения человека к природе и общественным явлениям; они делают речь красивой, привлекательной, образной и служат для экономии силы и времени как говорящего, так и слушающего, помогают формированию коммуникативной компетенции. ПФ французского, узбекского и русского языков внесут свой вклад в формирование социолингвистической компетенции путём выражения национально-культурных особенностей этих народов. По утверждению учёных, каждый из нас имеет представление об около 800 пословицах, поговорках и афоризмах⁴⁶ на своем языке. Это (30,7%) представлено в творчестве писателей и языковедов и используется как мораль, вытекающая из сказанного. Аристотель характеризовал ФЕ как метафору: “Метафора – перенесение слова с измененным значением из рода в вид, или из вида в род, или из вида в вид, или по аналогии”⁴⁷. В свое время Сократ описал термин «proverbe» как «краткое, лаконичное и запоминающееся словосочетание»⁴⁸. Несмотря на то что использование ФЕ и ПФ пользователями языка

⁴⁵Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.– Б. 87–88.

⁴⁵Бердияров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати. -Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 3.

⁴⁵Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б.149.

⁴⁵Montreynaud F., Pierron A., Suzzoni F.Dictionnaire des proverbes et dictons. Le Robert –Paris,1989.Préface par A Ray. P.6

рассматривается как обычное явление, их лингвистический характер достаточно сложен и не допускает поверхностного изучения. Сопоставительное (контрастное) исследование семантико-стилистических и национально-культурных особенностей ПФ определяет актуальность темы настоящей диссертации. В узбекском языкоznании проблема ПФ еще не исследована должным образом, не определены теоретические грани на основе материала лексического фонда нашего родного языка, они не были объектом исследования путем сопоставления с разными систематическими, в частности французским и русским, языками. По этой причине данная научная работа является первым диссертационным исследованием в этом направлении и усугубляет востребованность избранной темы.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлении № 1875 Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 г. «О мерах по дальнейшему усовершенствованию системы изучения иностранных языков», в Указе Президента № 4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, в Постановлении №124 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 мая 2013 г. «Об утверждении государственных образовательных стандартов по иностранным языкам системы непрерывного образования» и других нормативно-правовых документах, относящихся к этой отрасли.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

